Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 168 (3669)
26 ЧОРШАНБА ИЮЛЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев дам олиш учун мамлакатимизга келган ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккерни 25 июль куни Кримда қабул қилди.

Иккала қардош партия ва давлат раҳбарлари КПСС билан ГБСП социалистик, коммунистик қурилиш планларини амалга ошира бориб, бажараётган ғоят муҳим вазифалар тўғрисида бир бирларига ахборот бердилар.

● 25 июль куни Москвада қардош Куба халқи ҳаётидаги шонли воқеа— миллий кўзғолон кунининг 25 йиллигига бағишланган пойтахт жамоатчилиги вакилларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

КЕЧА ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЎНИНЧИ ПЛЕНУМИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1978 ЙИЛ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИДАН ҲАМДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ДОКЛАДИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ. ПЛЕНУМ ШУ МАСАЛА ЮЗАСИДАН ТЕГИШЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ЭТДИ.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

25 июль куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг X пленуми бўлиб ўтди. Пленумга район ва шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари таклиф қилинган.

Пленумнинг кун тартиби:

КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг якунлари ва Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашларининг Марказий Комитет Пленуми қароридан ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги докладидан келиб чиқадиган вазифалари.

Пленумда бу ҳақда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Шу масала юзасидан музокараларда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Қува район партия комитетининг биринчи секретари М. Шербўтаев, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Г. Гойибов, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Тошкент трактор заводининг пармаловчиси А. В. Федюшина, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Шамсиддинов, Сурхондарё область, Кумқўрғон районидаги «Москва» колхозининг раиси Р. Чориев, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Боймиров, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси С. Х. Йўлдошев, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри А. А. Уркинбоев, Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми директори Н. И. Гусаков, Қорақалпоғистон АССРдаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг директори А. Отамуротов сўзга чиқдилар.

Пленумда ўртоқ Ш. Р. Рашидов якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленум П. К. Хабибуллаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири вазифасидан озод қилди.

Пленум Т. Р. Абдушукуровни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг фан ва ўқув юртлари бўлими мудири, Ғ. З. Заҳриддиновни транспорт ва алоқа бўлими мудири қилиб тасдиқлади.

Пленумда Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қизил байроқларини чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш йиллик планларини муддатидан илгари бажарганликлари учун Арнасой, Бўз, Гагарин, Қува, Тўрақўрғон, Хива районларига доимо сақлаш учун топширди.

Пленум ишида СССР соғлиқни сақлаш министри Б. В. Петровский, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудирлари Б. М. Истомин, В. И. Смирнов иштирок этдилар.

ПАРТИЯНИНГ АГРАР СИЁСАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленумида қилган доклади

Азиз ўртоқлар!

Докладни баён қилишга киришишдан олдин сизларга қувончли бир хабарни айтиб ўтишга ижозат бергайсиз: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ҳаммамиз учун ғоят севимли Леонид Ильич Брежнев кеча кечкурун Кримдан қўнғироқ қилди.

Леонид Ильич пахтанинг ривожланиши қай аҳволда эканлиги билан, ҳосил тўплаш қандай бораётганлиги билан, оғир об-ҳаво шароити сабабли вужудга келган қолокликни тугатиш учун нималар қилинаётганлиги билан қизиқди. Бу тўғридаги маълумотни эшитиб бўлгач, Ўзбекистон пахтакорлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг карорларига жавобан бу йил пахтадан рекорд ҳосил олишларига ишонч билдирди.

Леонид Ильич галла ўримйиғими ва дон тайёрлаш қандай бораётганлигини ҳам сўради. Бошқоли дон ҳосилини йиғиб олиш ва тайёрлаш ишлари тугади, республиканинг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари ҳар бир гектардан 70-75 центнер маккажўхори, 55-60 центнер шоли олишга ва бу йил давлатга камида бир миллион тонна дон топширишга маҳкам бел боғлаганлар, деб биз айтган хабарни эшитиб ғоят мамнун бўлди.

Мева ва сабзавот ҳосили тўғрисидаги хабаримизни Леонид Ильич зўр қизиқиш билан тинглади. У мева ва сабзавот тайёрлаш қандай бормоқда, бу маҳсулотлар билан аҳоли қандай таъминланмоқда, деб сўради. Леонид Ильич республикада чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасида кўрилаётган тадбирларга алоҳида эътибор берди.

Леонид Ильич мана шу масалаларнинг ҳаммасига доир батафсил ахборотимизни тинглаб ва бугун бу масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида муҳокама қилинишини билиб, мендан сизларга алангали салом айтишни илтимос қилди ва сизларга сиҳат-саломатлик, коммунистик қурилишнинг барча участкаларида янги-янги зафарлар тилади.

Азиз ўртоқлар, оташин табрик сўзлари учун, берган яхши маслаҳатлари учун, республикамизни равнақ топтириш йўлида қилаётган доимий ғамхўрлиги учун сизларнинг номингиздан, Совет Ўзбекистонининг барча меҳнаткашлари номидан қадрдонимиз Леонид Ильич Брежневга энг чуқур, энг самимий ташаккур айтишга ҳамда унга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, совет халқининг бахт-саодати йўлида, коммунизм порлоқ идеалларининг тантанаси йўлида қилаётган жуда катта ишларида битмас-туганмас куч-ғайрат тилашга ижозат бергайсиз.

Леонид Ильичнинг сидқидилдан берган яхши йўл-йўриқлари ҳар биримизни руҳлантиради, КПСС XXV съездининг қарорларини, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш борасида КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми белгилаб берган улкан программани бажариш учун курашда ҳар биримизга янги куч бағишлайди.

Ўртоқлар!

Бизнинг ленинчи партиямиз, бутун совет халқи КПСС XXV съезди ишлаб чиққан социал-иқтисодий программани бажариш учун сабот-матонат ва собитқадамлик билан меҳнат қилмоқдалар. Мамлакат қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш масалалари съездда кўриб чиқилган энг муҳим проблемалар орасида алоҳида ўрин олди. Совет экономикасини тез ва мутаносиб ривожлантириш, қудратли озиқ-овқат ва хом ашё базасини вужудга келтириш, халқ фаровонлигини ўстиришни жадаллаштириш шаҳар билан қишлоқни тобора яқинлаштириш масалаларини ва коммунистик қурилишнинг бошқа кўпгина йирик проблемаларини ҳал этиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғланган. Шу боисдан бизнинг партиямиз аграр сиёсатни ўзининг умумий сиёсий йўлининг ажралмас таркибий қисми деб билмоқда.

Партия Марказий Комитети КПСС XXV съезди ишлаб чиққан иқтисодий стратегияни изчил амалга ошира бориб, съезд қарорларининг қандай бажарилаётганлигини чуқур анализ қилмоқда, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларидаги ишни яхшилашнинг энг таъсирчан воситаларини белгилаб бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг шу йил 3—4 июлда бўлиб ўтган Пленуми буни яққол тасдиқловчи янги далилдир. Пленум ривожланган социализм даврида қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг стратегияси ва тактикасини белгилаб берди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги докладида ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг аҳволи марксча-ленинча батафсил анализ қилинди, партия ва халқнинг мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан мустаҳкам равишда таъминлашдан иборат стратегик вазифани бажариш соҳасидаги фаолияти ҳар томонлама ва чуқур кўрсатиб берилди, қишлоқ хўжалигини янада жадал ривожлантиришнинг илмий жиҳатдан асосланган кенг программаси ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ X ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1978 ЙИЛ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИДАН ҲАМДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ДОКЛАДИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг якунлари ва Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашларининг Марказий Комитет Пленуми қароридан ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги докладидан келиб чиқадиган вазифалари» ҳақида қилган докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, зўр мамнуният билан қуйидагиларни таъкидлайди: КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорида ва Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг аҳволи марксча-ленинча чуқур илмий асосда анализ қилинди, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан мустаҳкам равишда таъминлашдан иборат стратегик вазифани бажариш соҳасидаги ғоят катта ишлар ҳар томонлама кўрсатиб берилди, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг илмий жиҳатдан асосланган кенг программаси белгиланди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади ривожланган социализм шароитида КПСС ленинча аграр сиёсатини янада ривожлантиришга қўйилган янги жуда катта ҳиссадир. Бу докладда ўн биринчи беш йиллик планни ишлаб чиқиш учун принципиал аҳамиятга молиқ йўл-йўриқлар баён этилди. Бу доклад партия, совет ва хўжалик органлари учун конкрет ҳаракат дастури бўлиб, совет халқини коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажариш учун бундан буёнги курашнинг ёрқин программаси билан қуроллантиради.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми партия ленинча аграр сиёсатини ривожлантиришда янги босқичга асос қўйди. Шу Пленумдан кейинги даврда бутун мамлакатдаги каби республика қишлоқ хўжалигида ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Колхоз ва совхозларнинг тез ривожланишини таъминлайдиган барқарор иқтисодий шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. 1965-1977 йиллар мобайнида ишларнинг бутун комплекси бўйича республика қишлоқ хўжалигига 17 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Бу — Совет ҳокимиятининг шундан аввалги ҳамма йилларида сарфланган маблағдан 2.6 баравар кўп. Жуда кенг кўламда сув хўжалиги ишлари амалга оширилди. Туямўйин, Андижон сув омборлари ва бошқа гидротехника иншоотлари қурилиши юксак суръатлар билан олиб борилмоқда. 883 минг гектар суғориладиган ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Бу эса пахтачилик ва шоликорликнинг янги йирик районларини вужудга келтириш, пахта, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни оширш имконини берди. Республикада қишлоқ хўжалик машинасозлиги индустрияси тез ривожланди, ўғит ва химиялашнинг бошқа воситаларини ишлаб чиқариш кўпайди. Машина-трактор парки тамомила янгиланди, энергетика қувватлари 2.2 баравар ўсди. Пахтачиликдаги асосий ишларнинг ҳаммаси механизациялаштирилди. Пахтани машинада териб олиш даражаси 59 процентга етказилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, республикада ихтисослаштирилган хўжаликлар илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, аграр-саноат ва хўжаликлараро бирлашмалар ташкил этилди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш юксак даражага кўтарилди.

Қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини яқинлаштириш жараёни тезлашди, хуторларни тугатиш, қишлоқларни обод қилиш қишлоқ жойларда хизмат доирасини кенгайтириш, коммунал ва маданий-маиший хизматни яхшилаш борасида анча иш қилинди. Ишчиларнинг меҳнат ҳақи 1.4 баравар, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 1.6 баравар кўпайди, колхозчиларни пенсия билан таъминлаш яхшиланди, колхозларда ижтимоий истеъмол фондлари ўсди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партиянинг иқтисодий стратегиясини изчил амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитетининг ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг доимий ёрдами ва мадади туфайли деҳончилик ва чорвачиликнинг барча тармоқларини ривожлантиришда анча катта муваффақиятларга эришдилар. КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейин ўтган 12 йил ичида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1.8 баравар ортди. Республика Ватанга 55.4 миллион тонна пахта берди. Бу — шундан аввалги 25 йил мобайнида етиштирилган пахта миқдорига баравардир.

Дон етиштириш 1965 йилдагига нисбатан 2.7 баравар, шоли етиштириш 4 баравар, маккажўхори етиштириш 17 баравар кўпайди, мева-сабзавотнинг ялпи маҳсулоти уч баравар ортди. Колхозлар ва давлат хўжаликларида гўшт етиштириш 40 процент, сут 2.2 баравар, тухум тайёрлаш 7.5 баравар кўпайди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни янада юксалтириш негизида хўжаликларнинг экономикасини мустаҳкамлаш таъминланди. Колхозларнинг ялпи даромади 70 процент кўпайди. Шу беш йилликнинг икки йили мобайнида колхозларнинг ўртача йиллик соф даромали 563 миллион сўмга етиб, 1965 йилдагига нисбатан 1.4 баравар ортди. Совхозларнинг олган фойдаси 4 баравар ошди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республикадаги колхоз ва совхозлар ўнинчи беш йиллик икки йили планларини ошириб бажарганлигини мамнуният билан қайд этади — 1976-1977 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўртача

(Давоми 5-бетда).

Азиз ўртоқ Фидель Кастро!

Шонли воқеа — миллий кўзғолоннинг 25 йиллиги муносабати билан Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети, Куба Республикасининг Давлат Кенгаши ва Министрлар Советига, Куба халқига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети номидан, барча совет кишилари номидан қизғин салом йўллаймиз ва қардошлик туйғуларини изҳор қиламиз.

1953 йил 26 июль санаси революция тарихи саҳифаларига абадий ёзилиб қолди. Сизнинг раҳбарлигингиз остида Монкадага ҳужум қилган жасур қаҳрамонлар империализмнинг, латифундиячиларнинг ва капиталистларнинг ҳўжайинлик қилишига зарба бердилар, Куба кенг халқ оммасининг ўзини озод қилиш учун ватанпарварлик курашини бошлаб бердилар. Куба революциясининг шонли ғалабаси, Ғарбий ярим шарда биринчи социалистик давлат вужудга келганлиги бу курашнинг муносиб якуни бўлди.

КУБА КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, КУБА РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ ФИДЕЛЬ КАСТРО РУСГА

Куба меҳнаткаш халқи ўз авангарди бўлган Куба Коммунистик партияси раҳбарлигида эркинлик ва мустақилликни қўлга киритиб, давлат ҳокимиятини ўз қўлига олиб, чуқур социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширди, социалистик жамият қуришда ажойиб муваффақиятларга эришди. Кубанинг маориф, социал таъминот, соғлиқни сақлаш, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги катта муваффақиятлари озодликка эришган мамлакатлар халқлари учун илҳомбахш намуна бўлмоқда.

Куба Республикаси социалистик ҳамдўстлик мамлакатларини янада жипслаштириш учун актив курашиб, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ишида фаол қатнашмоқда, кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштиришга, халқларнинг эркин, мустақил ривожланиш учун бўлган қуқуқларини қарор топтириш, қўшилмаган давлатлар ҳаракатини мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса қўшмоқда. Кубанинг антиимпериалистик ташқи сиёсати унинг халқаро миқёсда ҳақли равишда юксак обрў қозонишини таъминлади.

Совет—Куба дўстлиги муваффақиятли ривожланаётганлигига, КПСС билан Куба Коммунистик партиясининг ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораётганлигига Совет Иттифоқи билан Куба ўртасидаги хилма-хил алоқалар юксак даражада ривожланаётганлигига чин кўнгилдан хурсандмиз. Совет коммунистлари, барча совет кишилари партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқаларини марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принципларига негизида бундан буён ҳам оғишмай мустаҳкамлашга маҳкам бел боғлаганлар.

Сиз, қадрдон ўртоғимиз Фидель Кастрога, коммунистларга, бутун қардош Куба халқига Куба Коммунистик партияси I съездининг қарорларини амалга оширишда, социалистик жамият қуришда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Совет ва Куба халқлари ўртасидаги абадий ва бузилмас дўстлик мустаҳкамлансин ва равнақ топаверсин!

Л. БРЕЖНЕВ

А. КОСИГИН

ДИҚҚАТ: КОНКУРС ЯКУНЛАНДИ

ҒОЛИБ ҚЎШИҚЛАР

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети Улуғ Октябрининг 60 йиллигига бағишлаб энг яхши қўшиқлар учун конкурс эълон қилган эди. Республикамизнинг таниқли шоирлари, композиторлари ва маданият ходимларидан ташкил топган жюри яхтиёрига 80 дан ортиқ янги қўшиқ тақдим қилинди. Асарларда улуғ Ленинниинг мангу сўнмас даҳоси, партия ва ҳукуматимизнинг доно сиёсати, Октябрь берган шарофат, она-Ватан, совет кишиларининг ватанпарварлиги ва интернационал дўстлиги тараннум этилди. Конкурснинг ҳал қилувчи тури учун 17 қўшиқ танлаб олинди.

Ўзбекистон Композиторлар, Ёзувчилар союзлари билан ҳамкорликда ўтказилган ижодий мусобақага якун ясалди. Композитор Б. Умиджонов ва шоир Ҳ. Шариповнинг «Олтин водий», композитор В. Милов ва шоир Р. Фарҳодийнинг «Тошкент — қардошлик шаҳри» қўшиқлари иккинчи мукофот билан тақдирланди. Учинчи мукофотга эса «Мўътабар замин» (Э. Каландаров музикаси, Ҳ. Шарипов шеъри), «Мен Ленини кўрдим» (А. Бердиев, Б. Исроил). «Бахтиёр қиз қўшиғи» (Э. Каландаров, Н. Нарзуллаев), «Бахтномамиз таронаси» (С. Жалил, З. Обидов), «Дадамларга ўхшасам» (Ш. Ёрматов, П. Мўмин) қўшиқлари сазовор бўлди. Учта асарга рағбатлантирувчи мукофот берилди.

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

(Боши 1-бетда).

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади назарий ва амалий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу доклад ривожланган социализм шароитида ленинча аграр назарияни ривожлантиришга янги ва жуда катта ҳисса қўшди. Бу докладда ўн биринчи беш йиллик планини ишлаб чиқиш учун принципиал аҳамиятга молик бўлган йўл-йўриқлар баён этилди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади партия, совет ва хўжалик ташкилотлари учун конкрет ҳаракат дастури бўлиб, совет халқини партия томонидан қўйилган коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажариш йўлида бундан буён олиб бориладиган курашнинг аниқ-равшан программаси билан қуроллантиради.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорини қизғин маъқулладилар. Барча совет кишилари каби республикамизнинг ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, зиёлилари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросининг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, астойдил маъқулламоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини муваффақиятли бажаришга қатъий қарор бергандирлар.

Бугун биз Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашларининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилар эканмиз, ўртоқ Л. И. Брежневнинг партиямиз ҳозирги аграр сиёсатига доир туб масалаларни ишлаб чиқиш ва шакллантиришга шахсан қўшган катта ҳиссасини зўр мамнуният билан қайд этамиз. Леонид Ильич партиянинг қишлоқ хўжалиги масалалари юзасидан барча энг муҳим, принципиал қарорларни ижодий тарзда ишлаб чиқиш ташаббускори, ташкилотчиси ва бевосита асосий иштирокчисидир. Совет халқи партиянинг узоқни кўрадиган аграр йўлини ишлаб чиққанликлари учун КПССнинг ленинчи Марказий Комитетидан, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневдан астойдил миннатдордир. Бу йўлнинг самарали таъсири остида мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги муваффақиятли ривожланмоқда.

Партия бу йўлни изчил ўтказа бориб, кўпгина аграр проблемаларни ҳал эта олди. КПСС аграр сиёсатининг буюк ҳаётий кучи қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланаётганида, меҳнат унумдорлиги ўсиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш анча кўпайганлигида, колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг фаровонлиги муттасил юксалиб бораётганлигида яққол кўриниб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, мамлакат қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш программаси амалга оширилаётганлиги туфайли қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида олға қараб жуда катта қадамлар қўйилди. Кейинги етти йил ичида ялпи маҳсулотнинг ўртача йиллик ҳажми Марказий Комитетнинг март Пленумигача ўтган даврдагига нисбатан 40 процент, чорвачилик маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 45 процент кўпайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг ўсиши кишиларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун негиз бўлди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда қилган докладида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Ҳозирги замон шароитида қишлоқ хўжалигини олиб боришда эришилган натижалар ва тўпланган тажриба КПСС ленинча аграр сиёсатининг илмий жиҳатдан асосланганлиги ва ҳаётий кучини ишончли тарзда исботлаб бермоқда. Бундан КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленумида белгилаб берилган, ва партиянинг ундан кейинги Пленумлари ва съездларида ривожлантирилган йўлдан бундан буён ҳам бораверищ керак деган қонуний хулоса чиқади».

Партия аграр сиёсатининг бунёдкорлик кучи

Ўртоқлар! Республикамизнинг қишлоқ хўжалиги Марказий Комитетнинг 1965 йил март Пленумида қабул қилинган ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларида, партиянинг XXIII, XXIV ва XXV съездларида янада ривожлантирилган қарорларининг ўсиб бораётган таъсири остида ривожланди. Колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалигини тез ривожлантиришни таъминлайдиган барқарор иқтисодий шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Планлаштириш ва тайёрлаш системасини яхшилаш, колхозларда гарантияланган ҳақ тўлашни жорий этиш ва совхоз ходимлари иш ҳақи ставкаларини кўпайтириш йўли билан меҳнатни иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш борасида кўп тадбирлар амалга оширилди. Совхозларни тўла хўжалик ҳисобига кўчириш, банкларнинг кредит ажратиб беришини яхшилаш, хўжаликлараро бирлашмалар ва аграр-саноат комплекслари доирасида ўзаро муносабатларни такомиллаштириш қишлоқ хўжалиги экономикасини анча мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан такомиллаштиришга, суғориладиган деҳқончиликни кенгайтириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини химиялаштириш ва комплекс механизациялашга алоҳида эътибор берилди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин ўтган давр ичида бажариладиган ишларнинг бутун комплекси бўйича республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 17 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Бу — Совет ҳокимиятининг шундан аввалги ҳамма йилларида сарфланган маблағдан 2.6 баравар ортиқдир.

Капитал маблағларнинг кескин суратда кўпайтирилганлиги миқёслари жуда катта ва аҳамияти жиҳатидан жуда муҳим бўлган сув хўжалиги ишларини амалга ошириш имкониятини туғдирди. Мирзачўлни ўзлаштириш тугалланмоқда. Қарши, Жиззах, Сурхон-Шеробод даштларига сув чиқариш кенг кўламда олиб борилмоқда. Қорақалпоғистон АССРда ва Хоразм областида йирик шоликорлик райони ривожланиб боряпти. Андижон ва Туямўйин сув омборлари қурилиши тез суръатлар билан давом эттирилмоқда.

1966—1977 йиллар мобайнида 883 минг гектар янги суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Бу эса ана шу ерларда кўпгина пахтачилик, шоликорлик совхозларини ва бошқа совхозларни вужудга келтириш имконини берди. Ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш, эски суғориш системаларини реконструкциялаш, далаларни кенг кўламда текислаш ва суғориладиган участкаларни йириклаштириш соҳасида кўп иш қилинди.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, пахтачиликни ва бошқа тармоқларни комплекс механизациялаш соҳасидаги ишларни тезлаштириш — асосий йўналиш бўлиб қолди. Ўтган 12 йил мобайнида машина-трактор парки тамомила янгиланди. Энергетика қуввати 2.2 баравар ўсди, меҳнатни энергия билан таъминлаш орта борди. Колхоз ва совхозларни электрлаштириш тўла-тўкис тугалланди.

Партия республикада аграр-саноат комплексини вужудга келтириш борасида узоқ муддатга мўлжалланган ишларни бажарганлиги натижасида миқдор ва сифат жиҳатидан ана шундай силжишларга эришилди. Бизда қишлоқ хўжалик машинасозлиги индустрияси тез суръатлар билан ривожланмоқда. «Союзмашхлопководство» системасига бирлашган кўпдан-кўп заводлар пахта етиштириш ва ҳосилни териб олиш учун машиналар комплекси билан пахтакор республикаларни таъминлаб келмоқда. Булар орасида «Ташсельмаш», «Чирчиксельмаш» заводлари, Тошкент трактор заводи, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа кўпгина корхоналар бор.

КПСС Марказий Комитети Ўзбекистонда улкан химияни ривожлантиришга — минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи жуда катта корхоналарни қуришга ғоят зўр эътибор бермоқда. Бу — минерал ўғитларни республикадаги хўжаликларга етказиб беришни кескин равишда кўпайтириш имконини берди. Ўтган йили 4 миллион 800 минг тонна ёки 1965 йилдагига нисбатан 1.9 баравар кўп минерал ўғит етказиб берилди. Гербицидлар, дефолиантлардан фойдаланиш кўламлари анча кенгайди, уларни ишлатиш самарадорлиги ошди.

Қишлоқ хўжалигининг замонавий қудратли моддий-техника базасини вужудга келтириш, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини интенсивлаш ва изчил индустрлаштириш асосида ривожлантириш пахта ва деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кескин суратда ошириш имкониятини туғдирди. Ўтган 12 йил мобайнида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1.8 баравар ўсди. Республика шу давр ичида Ватанга 55.4 миллион тонна «оқ олтин» берди. Бу — ўтган 25 йил мобайнида етиштирилган пахта миқдорига баравардир.

Дон етиштириш ҳам ҳамиша орта борди. Доннинг ялпи ҳосили 1965 йилдагига нисбатан 2.7 баравар кўпайди ва икки миллион тоннага етди. Шоли етиштириш 4 баравар, маккажўхори 17 баравар, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узумнинг ялпи ҳосили 3 баравар ошди. Чорвачиликда ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Шу давр ичида республикадаги колхозларда ва давлат хўжаликларида гўшт етиштириш 1.4 баравар, сут 2.2, тухум 7.5 баравар кўпайди.

Умуман олганда биз ўнинчи беш йиллик топшириқларини ҳам ошириб бажармоқдамиз. 1976—1977 йилларда қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми тўққизинчи беш йиллидагига нисбатан планда белгиланган 13.8 процент ўрнига 17.4 процент ортди. Беш йилликнинг икки йилида давлатга пландан ташқари 382 минг тонна пахта, 525 минг тонна дон, 923 минг тонна мева-сабзавот маҳсулоти, 55 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 135 минг тонна сут, 133 миллион дона тухум ва бошқа кўп маҳсулотлар сотилди. Мамлакат беш йилликнинг уч йили мобайнида пландан ташқари 12 минг тонна пилла олди.

Ишлаб чиқаришни ўстириш асосида колхоз ва совхозларнинг экономикасини янада мустаҳкамлашга эришилди. Шу беш йилликнинг икки йили мобайнида колхозларнинг йиллик соф даромади ўрта ҳисобда 563 миллион сўмлик бўлди — 1965 йилдагига нисбатан 1.4 баравар кўпайди. Совхозлар олинган фойда миқдорини 52 миллион сўмдан 215 миллион сўмгача оширдилар.

Қишлоқни социал ривожлантириш соҳасида ҳам олға қараб катта қадам қўйилди. Шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яқинлаштириш тезлашиб бормоқда, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутлар барҳам топмоқда. Колхозларда ижтимоий истеъмол фондлари 3 баравар, меҳнатга тўланадиган ҳақ 1.6 баравар кўпайди.

Қишлоқда маданий-маиший қурилиш ғоят кенгайиб кетди. В. И. Ленин бир вақтлар «аҳоли ғоят кўпчилигининг — деҳқон аҳолининг турмушини обод қилиш тўғрисидаги масала биз учун асосий масала» деган эди. Биз ўз фаолиятимизда Лениннинг ана шу йўл-йўриқларига доим амал қилмоқдамиз. Республикада хуторларни тугатиш, қишлоқларни қайта қуриш ва уларни шаҳар типидаги посёлкаларга айлантириш соҳасида кўп иш қилинмоқда, хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайиб бормоқда, қишлоқ меҳнаткашларига коммунал хизмат, маданий-маиший ва савдо хизмати доим яхшиланмоқда.

Қишлоқ учун кадрлар, хусусан мутахассис ва механизаторлар тайёрлаш анча кенгайди. Ҳозирги вақтда совхоз директорларининг қарийб 99 проценти ва колхоз раисларининг салкам 96 проценти олий ёки ўрта махсус маълумотлидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришимизда 62 мингдан зиёд юқори малакали мутахассислар ишлаб турибди. Ҳар беш меҳнатчининг бири механизатордир.

Республиканинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуришда эришган муваффақиятлари — КПСС ленинча аграр сиёсати ҳаётий кучининг яққол кўриниб турган самараси. КПСС Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг доимий ёрдами, эътибори ва ғамхўрлиги натижасидир. Бу — қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимларининг, мутахассисларининг, республикадаги барча меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати самараси, партия, совет ва хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг кенг кўламдаги ташкилотчилик ва сиёсий ишлари якунидир.

Эришилган муваффақиятларга муносиб баҳо берган ҳолда бизда камчиликлар ва ҳал этилмаган проблемалар ҳам ҳали кўп эканлигини эътироф этиш керак. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз докладида ички резервлар ва имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланиш учун зарур бўлган ишларнинг ҳаммасини ҳам бажармоқдамиз, деб айтиб бўлмайди, деган эди. Биз унинг шу хусусдаги танқидига тамомила қўшиламиз. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида баён этилган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, барча резервларни ишга солиш, камчиликларни тезроқ бартараф қилиш, республиканинг, ҳар бир область ва районнинг, ҳар бир хўжаликнинг деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш ўнинчи беш йиллик топшириқларини, қишлоқни социал ривожлантириш планларини сўзсиз бажариши учун амалий чораларини кўриш — бизнинг энг муҳим, энг асосий вазифамиздир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини доим оширайлик

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми партия аграр йўлининг тамомила давомийлигини таъкидлаб, мамлакат қишлоқ хўжалиги олдига ва бутун аграр-саноат комплекси олдига янги масъулиятли вазифаларни қўйди. Партия келгуси даврда қишлоқ хўжалиги олдига қўяётган бу вазифаларнинг энг муҳими шундан иборатки, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ҳар томонлама, тез ривожлантиришга, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан барқарор равишда таъминлашга эришмоқ керак, токи уларни етиштиришни кўпайтириш халқнинг турмуш даражасини янада юксалтиришни таъминласин.

Биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш соҳасидаги янги вазифаларни ҳал этар эканмиз, Ўзбекистон ССРнинг асосий пахта базаси бўлиб келганлигини, ҳозирда ҳам шундай эканлигини ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажагини ҳамиша эсда тутишимиз керак. Ҳозирги кунда бизнинг республикамиз бутун Иттифоқда етиштирилаётган жамики пахтанинг учдан икки қисмини бермоқда ва саноатни энг қимматли хом ашё билан, аҳолини эса оммавий истеъмол моллари ва маҳсулотлари билан таъминлаш республикамизнинг зўр ғайрат билан ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Пахта — умумхалқ бойлиги, умуммиллий бойликдир. Республикамизнинг партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари пахта етиштиришни доим кўпайтиришни ҳамиша ўзларининг энг биринчи ватанпарварлик ва интернационал бурчи деб, коммунизмнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қўшиладиган асосий ҳисса деб ҳисоблаб келдилар ва шундай деб ҳисобламоқдалар.

Биз зўр мамнуният туйғулари билан қайд этамизки, республикада пахтачилик тез суръатлар билан барқарор ривожланмоқда. Еттинчи беш йилликда йилига ўрта ҳисобда 3.4 миллион тонна пахта етиштирилган бўлса, ўтган йили ялпи ҳосил рекордли миқдорга — 5 миллион 676 минг тоннага етди ёки 1.7 баравар кўпайди. Ингичка толали пахта етиштириш 4.4 баравар ортди ва 1977 йилда 283 минг тонна бўлди. Шу нарса диққатга сазоворки, пахта ялпи ҳосилининг кўпайиши асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига таъминланди. Ҳосилдорлик кейинги 12 йил мобайнида гектар бошига 22.7 центнердан 31.6 центнергача, ингичка толали пахта ҳосилдорлиги эса ундан ҳам кўп — 11.2 центнер ортди.

Бу бизни қувонтиради, аммо ҳеч қачон хотиржам қилмаслиги керак. Пахтачиликда ҳал этилмаган проблемалар ва камчиликлар борлиги сир эмаску, ахир. Хўжаликларнинг ҳаммаси ҳам ер ва сувдан самарали фойдаланмоқда, ҳосилдорликда турли-туманликка барҳам берилган, деб бўлмайди. Ўтган йили Жалолқудуқ, Пахтаобод, Мирзачўл, Октябрь, Яккабоғ ва Ильич районлари пахта тайёрлаш планини бажармади. 162 колхоз ва совхоз давлатга қарздор бўлиб қолди. Улар мамлакатга 82 минг тонна пахта етказиб беришмади. Наманган ва Хоразм областлари беш йилликнинг икки йилининг топшириқларини бажармадилар.

Леонид Ильичнинг докладида план интизомини мустаҳкамлашга, давлат планларини барча кўрсаткичлар бўйича сўзсиз бажариш учун ҳар қандай даражадаги раҳбарларнинг масъулиятини оширишга катта эътибор берилди. Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари, хуллас ҳаммамиз бундан амалий хулосалар чиқариб олишимиз, кадрларга нисбатан талабчанликни оширишимиз, белгиланган планларнинг сўзсиз бажарилишига эришмоғимиз зарур. Давлат интизомининг бузилишига бутунлай чек қўйиш, қарздор хўжаликларда эса беш йилликнинг қолган йиллари мобайнида бу қарзни узиш учун амалий чоралар кўриш лозим.

Биз партиянинг XXV съездида ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида мамлакатга 6 миллион тонна пахта, шу жумладан 400 минг тонна ингичка толали пахта берамиз, ҳосилдорликни эса гектар бошига 33 центнерга етказамиз, деб мажбурият олган эдик. Биз бу мажбуриятимизни КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида ҳам яна таъкидлаб ўтдик. Мўлжалланган марраларга эришмоқ учун биз шу йилнинг ўзидаёқ резервлардан тўла фойдаланишимиз, рекордли ҳосил олиб, камида 5 миллион 700 минг тонна пахта етиштириш учун, 1979 йилда эса 5 миллион 850 минг тонна пахта олиш учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишимиз керак.

Биз ана шу марраларга эришиш билан ўн биринчи беш йилликда олға ҳаракат қилиб бориш учун мустаҳкам негиз яратамиз. Ўн биринчи беш йиллик ингичка толали пахта етиштиришни ғоят кўпайтириш беш йиллиги бўлиб қолади. Биз 1985 йилда ингичка толали пахта етиштиришни камида 500 минг тоннага етказишни, яъни эришилган даражага нисбатан қарийб икки баравар оширишни кўзда тутамиз. Госплан, қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва сув хўжалиги, пахта тозалаш саноати министрликлари, Главсредазирсовхозстрой ана шу қимматли хом ашёни етиштиришни кўпайтириш имкониятларини батафсил ўрганиб чиқишлари ва шу масала юзасидан конкрет таклифларни тақдим этишлари зарур.

Ерларни кенг кўламда мелиорациялаш, комплекс механизациялаш, химиялаш ва деҳқончилик маданиятини бутун чоралар билан ошириш, фан ва илғор тажрибанинг энг янги ютуқларини жорий этиш — пахтачиликни аввалгидек бундан буён ҳам муттасил юксалтиришнинг асосий йўналиши, интенсивлашнинг энг қудратли омиллари бўлиб қолаверади.

Сув хўжалиги қурилиши суръатларини жадаллаштиришга катта эътибор бериш керак. Шу беш йилликда 462 минг гектар янги суғориладиган ерларни ишга солиш лозим. Афсуски, катта имкониятлар борлигига қарамай, Главсредазирсовхозстрой беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида 22 минг гектар ерни, мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги 12 минг гектар ерни ўзлаштириш планини бажармади, бу ерларда кўп миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш планлаштирилган эди. Бундай нуқсонларга узил-кесил чек қўйиш ва ерларни ўзлаштириш соҳасида йўл қўйилган қолоқликка шу йилнинг ўзидаёқ барҳам бериш керак. Қурилиш ташкилотлари суғориладиган ерларни катта нуқсонлар билан топшираётганлиги каби фактлар кўп учраб туради.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари июль Пленумининг ерларни комплекс тарздагина ўзлаштириш зарур эканлиги тўғрисидаги кўрсатмасини зўр мамнуният билан қабул қилдилар. Республикада бу ишда катта тажриба тўпланди. Биз комплекс тарзда ўзлаштиришни бундан буён ҳам бутун чоралар билан ривожлантираверамиз. Шу билан бирга ерларни ирригация жиҳатидан тайёрлаш билан уларда совхозларни ташкил этиш ўртасидаги мутаносибсизликка йўл қўймаслик, ерларни ўзлаштиришнинг самарадорлигини ошириш жуда муҳимдир.

Ерларни мелиорациялаш, шўр босиш ва ботқокланишга қарши кураш — энг муҳим омилларнинг биридир. Сув хўжаликлари ташкилотларигина эмас, колхозлар ва совхозларнинг ўзлари ҳам бу ишларга катта эътибор беришлари лозим. Бундан ташқари, эски суғориш системаларини кенг кўламда реконструкциялаш, далаларни йириклаштириш ва текислаш, уларни сув билан таъминлашни яхшилаш зарур.

Ўртоқлар! Суғориш учун керакли сув танқислигини ҳар йили кўпроқ сезиб турибмиз. Амалда 1985 йилга бориб, янги ерларни ўзлаштириш учун мавжуд суғориш манбалари тамом бўлиб қолади. Бинобарин, республиканинг экономикасини ва аввало, унинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш соҳасидаги ишларни тезроқ ташкил этишга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Биз бу масалани Иттифоқ органлари олдига жиддий равишда қўямиз. Бу масала КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида ҳам ўртага қўйилди. Аммо, биз бу иш жуда мураккаб эканлигини ва ҳатто ишлар бутун чоралар билан жадаллаштирилган тақдирда ҳам кўп фурсатни талаб этажагини тушуниб олмоғимиз керак. Шу сабабли ҳозирги шароитда суғориш учун ишлатиладиган сувни ғоят тежаш, мавжуд барча манбаларни тартибга солиш, ерга шимилиб кетиш орқасида сувнинг нобуд бўлишини камайтириш, уни ғоят тежаб сарфлаш жуда муҳимдир.

Суғориладиган ерлар — республиканинг энг қимматли бойлигидир. Ернинг унумдорлигини янада ошириш учун, ҳар бир даланинг, ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини кўтариш учун кураш — ҳаммамизнинг муштарак ишимиз бўлиб қолмоғи керак. Алмашлаб экишни жорий қилиш бу соҳада ҳам муҳим омилдир. Алмашлаб экиш — пахта ҳосилдорлигини ўстириш демакдир, чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш демакдир, вилтга қарши курашнинг ишончли воситасидир.

Республикада пахта — беда алмашлаб экиш учун кўп иш қилинмоқда. Суғориладиган ерларнинг 42 процентида алмашлаб экиш жорий этилди. Аммо бир қанча областларда алмашлаб экиш планлари бажарилмай қолмоқда, бедазорларни муддатидан илгари хайдаб юбориб, бошқа экинлар экилишига йўл қўйилмоқда. Кўп хўжаликлар лойиҳага риоя қилмай, беда ва маккажўхорини майда участкаларга экмоқдалар. Мавжуд камчиликларни қатъиян йўқотиш ва алмашлаб экишни ўзлаштиришни 1980 йилда тўла-тўкис тугаллаш зарур.

Ҳосилдорликни ошириш пахта етиштиришни кўпайтиришда асосий йўналиш бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Республикада бунинг учун кўп иш қилинмоқда. Ўтган йили 36 район ҳосилдорликни гектаридан 35 центнердан ҳам оширдилар. Тўрткўл, Пахтачи, Хива, Янгиариқ, Хонқа, Урганч, Амударё, Беруний, Боғот, Қўшкўпир ва Шовот районлари эса гектар бошига 40 центнер ва ундан ҳам кўп ҳосил олдилар. 40 колхоз 45 центнердан зиёд пахта олди, 419 бригада эса ҳосилдорликни гектар бошига 50-60 центнерга етказишга муваффақ бўлди.

Рекордли ҳосил етиштираётган, «оқ олтин» учун курашда фидокорона меҳнат ва чинакам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатаётган ажойиб моҳир усталарга шон-шарафлар бўлсин, биз уларга самимий миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бизда ҳосилдорликни янада юксалтириш имкониятларидан ҳали тўла фойдаланилмаяпти, деб ҳисоблайди. Ўтган йили 40 район ҳар гектар ердан 30 центнердан кам ҳосил кўтарди, 7 районда ва 60 хўжаликда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 20 центнерга ҳам етмади.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ҳосилдорликнинг пасайиб кетиш сабабларини ҳар бир жойнинг ўзида пухта суриштириб билишлари, ҳосилдорликни оширишни таъминлайдиган ташкилий, агротехника тадбирлари ва иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари лозим.

Қишлоқ хўжалик фани ҳосилдорликни ошириш тадбирларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими ва хусусан СоюзНИХИ олимлари ва бошқа илмий муассасаларнинг олимлари пахта етиштириш агротехникасини, далаларни бегона ўтлардан тозалаш йўлидаги курашни доим такомиллаштиришлари, ҳосил тугунчаларини сақлаш йўлларини ва ҳосилдорликни оширишнинг бошқа методларини қидириб топишлари керак.

Селекция фанини янги, янада юксак босқичга кўтариш лозим. Бизга ҳар гектар ердан 60-70 центнер ва 40-50 центнердан ҳосил берадиган ингичка толали пахтанинг тезроқ пишадиган навлари, касалликларга бардош берадиган, сув истеъмол қилишнинг паст коэффициентига эга бўлган ҳамда толанинг ғоят сифатли бўлишини таъминлайдиган пахта навлари керак. Пахтакорлар олимларнинг, селекциячилар, агротехниклар, механизаторларнинг зўр ғайрат билан биргаликда олиб борадиган ишлари натижасида барвақт пишадиган мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма чоралар кўрилади, деб умид боғлайдилар. Илмий тадқиқотларнинг даражаси ва самарадорлигини анча ошириш — республика фанлар академиясининг ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимининг, қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларининг вазифасидир.

Минерал ўғитлар далаларнинг унумдорлигини оширишнинг ғоят таъсирчан воситаси эканлиги маълум. Биз пахтачиликда минерал ўғитлар ҳисобига ҳар йили ҳосил ўсишининг ярмига эришмоқдамиз. Кўп хўжаликлар ерга солинган азотнинг ҳар килограммидан олинадиган пахтани 20 килограммгача етказмоқдалар. Аммо минерал ўғитларни ташиб олиш, сақлаш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишдаги жиддий нуқсонлар ҳануз тугатилмаган. Биз азот, фосфор ва калий нисбатининг тўғри бўлишига, фаннинг микроэлементларни қўлланиш борасидаги тавсияларини жорий этишга, минерал ўғитлар билан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни моҳирлик билан бирга қўшиб олиб боришга эришмоғимиз лозим.

Бу ишда тегишли тартиб ўрнатиш мақсадида Қишлоқ хўжалиги министрлиги «Узсельхозтехника» бирлашмаси, Главсредазирсовхозстрой ва «Узплодоовощвинпром» билан биргаликда республикада агрохимия хизмати қандай аҳволда эканлигини чуқур ўрганиб чиқиши, бу хизматни такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифларни тайёрлаши лозим. Минерал ўғитларни агрохимия картограммаларига мувофиқ хўжаликларга илмий жиҳатдан асослаб берилган тарзда тақсимлаш учун ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланиш зарур.

Ғўза ва бошқа экинларнинг касалликлари ва зараркунандалари билан курашнинг биологик ва бошқа мураккаб методлари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу методлар атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтириш имконини беради. Республикада бу соҳада иш олиб борилмоқда. Ўтган йили 500 минг гектар пахта майдонида биологик ҳимоя методлари қўлланилди.

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг тажрибаси ғоят ибратлидир. Бу ерда биологик методларни қўлланиш заҳарли химикатлардан фойдаланишни анча қисқартириш имконини берди. Оқдарё районидаги хўжаликлар биологик методларни қўлланиш натижасида етти йилдан буён умуман заҳарли химикатларни ишлатмаяпти. Бу ишни бутун чоралар билан жадаллаштириш, барча областларда хўжаликлараро асосда биофабрикаларни вужудга келтириш керак. Бундан мақсад — 2-3 йил ичида барча хўжаликларда ҳосилни ҳимоя қилишнинг биологик методларини жорий этишдир. Республиканинг саноат корхоналарида биофабрикалар ва биолабораториялар учун керакли асбоб-ускуналар тайёрлашни тез орада йўлга қўйиш зарур.

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларида таъкидлаб ўтилганидек, келгуси беш йилликда барча энг муҳим қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришни комплекс механизациялашни тугаллаш ва чорвачиликни механизациялашни янада юксак даражага кўтариш лозим. Республика партия ташкилоти пахта етиштиришни комплекс механизациялашни ривожлантириш ва унинг технологиясини такомиллаштириш чораларини изчиллик билан амалга оширмоқда. Пахтачилик соҳасидаги ишларнинг кўпчилиги тўла-тўкис механизациялаштирилди. Кейинги йилларда пахта теримини механизациялаш даражаси кескин равишда оширилди. Ўтган йили 3.4 миллион тонна ёки ҳосилнинг қарийб 60 проценти машиналарда териб олинди.

Ҳозирги вақтда пахтачиликни механизациялашда янги босқич бошланди. Бу босқич ғоят бақувват МТЗ-80Х тракторини ишлатиш билан боғланган. Бу трактор мукаммал ва ғоят унумли агрегатларни ишлатиш имконини беради. Конвейерга қўйиладиган пахта териш машиналари тўкилиб қолган пахтани қўлда теришга эҳтиёж қолдирмайди ва ҳосилни яруслаб териб олишни таъминлайди. Ингичка толали навларни терадиган машиналар, машинада териб олинган пахтани коп-канорсиз ташиб олувчи трактор поездлари ва бошқа замонавий техника кўплаб ишлаб чиқарила бошланди.

Пахтачилик учун МТЗ-80Х тракторига уланадиган янги машиналарни ишлаб чиқаришга тайёргарлик ишларини жадаллаштириш ва уларни кўплаб ишлаб чиқаришни уюштириш — машинасозларнинг бурчидир. Бу машиналарнинг нусхалари вужудга келтирилди. Айни вақтда қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантириш, цехларни реконструкциялаш ва янгиларини қуриш ҳисобига заводларнинг қувватларини ошириш борасида қўшимча чораларни кўриш зарур.

Колхоз ва совхозларни янги машиналар билан ва биринчи навбатда пахта териш техникаси билан жуда қисқа муддат ичида таъминлашни назарда тутиб иш кўришимиз лозим. Бизнинг энг муҳим вазифамиз шуки, машинада териладиган пахтани 1978 йилда 65—70 процентга, 1979 йилда 75—80 процентга ва 1980 йилда 85—90 процентга етказишимиз лозим.

Марказий Комитетнинг июль Пленуми техникадан фойдаланишнинг самарадорлиги паст эканлигини кўрсатиб ўтди. Республикамизнинг кўпгина хўжаликларида ҳам техникадан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Тракторлардан фойдаланиш ўтган йили Фарғона ва Жиззах областларида, пахта териш агрегатларидан фойдаланиш эса Сирдарё ва Бухоро областларида айниқса паст даражада бўлди.

Бир қанча районларда техникавий хизмат кўрсатишни, техникани ремонт қилиш ва сақлашни ташкил этишни яхшилашда сусткашлик қилинмоқда. Машиналарни муддатидан олдин ҳисоблан чиқариш фактлари тугатилгани йўқ. Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси, республиканинг бошқа қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги ташкилотлари техникадан юксак даражада фойдаланиш масалалари билан тағин ҳам конкретроқ шуғулланишлари керак. Колхозлар, совхозлардаги «Узсельхозтехника» отрядларидаги ер қазиш машиналарининг самарадорлигини ошириш мақсадида Қишлоқ хўжалик министрлиги Самарқанд районининг тажрибасидан фойдаланиб, техникани хўжаликлараро отрядларда тўплаш тўғрисида таклифлар киритиши керак.

Тайёрланаётган пахтанинг сифатини бутун чоралар билан яхшилаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиниши лозим. Бу йўлда бир талай ишлар қилинмоқда. Энг яхши пахта навлари жорий қилинмоқда, ипак пахта етиштириш йилдан-йилга кўпайтирилмоқда. Пахтани тозалаш методлари такомиллаштирилмоқда. Лекин бугина кифоя қилмайди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети июль Пленумида қилган докладида «Пахтани юқори сифатли қилиш мамлакатдаги барча пахтакорларнинг асосий вазифаси» деб жуда тўғри айтиб ўтилди.

Биз бу проблемани бир неча марта муҳокама қилдик. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иккинчи пленумида бу проблема жуда кескин қилиб қўйилди. Бироқ, пахта сифатини оширишнинг кўпгина масалалари ҳануз ҳал этилмасдан қолмоқда. Республикада омборлар йўқлиги сабабли аввалгидек пахтанинг ҳаммаси йил бўйи очиқ ҳавода сақланмоқда, қуёш, ёмғир ва қорнинг таъсири билан пахтанинг технологик сифатлари пасайиб кетмоқда. Шу билан бирга машинада терилган пахтани қабул қилиш, тозалаш ва сақлашнинг илмий асосланган технологиясига риоя қилинмаяпти. Машинада терилган пахтага нисбатан очиқдан-очиқ эскириб қолган, қўлда терилган пахта учун ишлаб чиқилган талаблар қўйилмоқда.

Шуни қатъий тушуниб олиш керакки, машинада терилган пахтанинг миқдори йил сайин кўпаяверади ва пахта ҳосилини теришда қўл меҳнати бутунлай суриб чиқариладиган вақт яқинлашиб қолди. Шу муносабат билан республикада пахта тозалаш министрлиги учта актуал масалани ҳал қилиб бериши керак: биринчидан, пахта қуритадиган-тозалайдиган заводлар, пахта, тола ва уруғлик чигит сақлаш учун омборларни қуриш суръатларини жуда тезлаштириш лозим; иккинчидан, машинада терилган пахтани қайта ишлаш ва тозалаш технологиясини такомиллаштиришга доир тажриба-конструкторлик ишларини кучайтириш керак; учинчидан, ҳар бир бригаданинг терган пахтасини алоҳида-алоҳида қабул қилиб олиш ва, унга баҳо бериш ишларини 1 — 2 йил ичида ташкил этиш лозим. Бу тадбир пахтакорларнинг пахта сифатини яхшилашдан моддий манфаатдорлигини оширади. Бу тартибни шу йилнинг ўзидаёқ айрим хўжаликларда амалга ошира бошлаш керак.

Республика Госплани, Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Пахта тозалаш саноати министрлиги пахта сифатини оширишга доир қўшимча чоралар комплексини ўйлаб чиқиши ва тегишли таклифларни дарров киритиши лозим.

Ўртоқлар! Республика партия ташкилоти Леонид Ильич Брежневнинг маслаҳатлари ва йўл-йўриқларини бажара бориб дон етиштиришни, айниқса маккажўхори ва шоли етиштиришни кўпайтириш борасида кейинги йилларда бир мунча ишлар қилди. Бу йил дон экинларидан 3 миллион тоннага яқин ялпи ҳосил олиш кутилмоқда. Давлатга 1 миллион тонна дон топширилади.

Биз шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон шоли ва маккажўхорини доимий етиштириб берадиган республика бўлиб қолмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг республика маккажўхорикорларига юборган ва узоқ вақт мобайнида қиладиган ишларимизнинг программаси бўлиб қолган маълум мактубидан кейин бизда маккажўхори учун кураш чинакам авж олиб кетди. Натижада маккажўхорининг ҳосилдорлиги ва маккажўхори дони етиштириш муттасил кўпайиб бормоқда.

1973 йилда гектар бошига 49, центнердан ҳосил етиштирилиб, 327 минг тонна дон олинган бўлса, 1977 йилда ҳосилдорлик 67.5 центнерга, ялпи ҳосил эса 925 минг тоннага етди. Шу давр ичида экин майдони 66 минг гектардан 137 минг гектарга етказилди. Беш йилликнинг охирига бориб экин майдонини 200 минг гектарга, ҳосилдорликни эса 80 центнерга етказмоқчимиз. Ўн биринчи беш йилликда дон учун экиладиган маккажўхори майдонини 500 минг гектарга етказиш ва камида 5 миллион тонна маккажўхори дони етиштириш керак. Шу туфайли чорвачиликнинг озуқа базаси бақувват ва мустаҳкам бўлиб қолади.

(Давоми 3-бетда).

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

(Боши 1-, 2-бетларда).

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейин республикада шоликорликни ривожлантиришга доир катта чора ва тадбирлар амалга оширилди. Бу йил шолидан 400 минг тонна ялпи ҳосил олинади. Шоликорлик борасида гарчи кўпгина ишлар қилинган бўлса ҳам, аммо қўлга киритилган натижалар бизни қаноатлантираётгани йўқ. Бизнинг вазифамиз шуки, 1980 йилда 600 минг тонна, ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб 1 миллион тонна шоли етиштиришимиз ва ҳар бир гектардан олинаётган шоли ҳосилини 60 центнерга етказишимиз лозим.

Шоликорликни ихтисослаштириш, ихтисослаштирилган шоликорлик зоналарини, хўжаликларини биринчи навбатда Амударё этакларидаги ерларда кенгайтириш йўли билан шу марралар қўлга киритилади. Шу билан бир вақтда шолини қуритиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун ғалла — шоли қабул қиладиган корхоналар базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш зарур.

Республикада мевачилик ва сабзавотчилик муваффақиятли ривожланмоқда. Бултур биз 4 миллион тоннага яқин сабзавот, қовун-тарвуз, картошка, мева ва узум етиштирдик. Асосан биз ихтисослаштиришни чуқурлаштириш, ана шу маҳсулотларни етиштиришни катта хўжаликларда тўплаш ва уларни етиштирувчи хўжаликлар билан қайта ишловчи саноатни интеграция қилиш туфайли бу тармоқларда ижобий ўзгаришлар қилинди. Сабзавот, полиз, картошка экинларининг, мева ва узумнинг ихтисослаштирилган хўжаликлардаги ҳосили ихтисослаштирилмаган хўжаликлардагига нисбатан одатда 15 — 20 процент кўп, маҳсулот таннархи эса 25 — 30 процент паст. Биз бундан буён ҳам бу йўлни қунт билан ўтказаверамиз.

Лекин бир қанча областлар ва районларда ихтисослаштиришга ва концентрациялашга етарли эътибор берилмаётганлиги, бунинг натижасида ўнинчи беш йилликнинг маҳсулот етиштиришга доир топшириқлари қониқарсиз бажарилаётганлиги тўғрисида индамай ўтсак хато қилган бўлур эдик. Шу беш йилликнинг икки йили мобайнида Хоразм области колхозлари ва совхозлари сабзавот етиштириш планини 77 процент, полиз маҳсулотлари етиштириш планини 76 процент, картошка етиштириш планини 19.6 процент, мева етиштириш планини 68 процент ва узум етиштириш планини 84 процент бажардилар. Фарғона ва Сурхондарё области хўжаликларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бу областларда деярли пахтакор хўжаликларнинг ҳаммасига ҳали ҳам шу маҳсулотларни тайёрлаш планлари берилмоқда. Ҳатто «Узплодоовощвинпром» хўжаликларида товар сабзавот етиштириш 80 совхозга ва картошка етиштириш плани 65 совхозга сочиб юборилган.

Вазифа шуки, бу беш йилликнинг охиригача барча областларда мевачилик ва сабзавотчиликни ихтисослаштириш ниҳоясига етказилиши керак. Ҳар бир районда товар сабзавот, қовун-тарвуз ва картошка етиштиришни ихтисослаштирилган хўжаликларда тўплаш, бу тадбирни фақат янги совхозлар қуриш йўли билан эмас, шу билан бирга асосан мавжуд хўжаликларни ихтисослаштиришни қайта тақсимлаш йўли билан амалга ошириш керак. Қишлоқ хўжалик министрлиги «Узплодоовощвинпром» ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими сабзавот-полиз экинларининг уруғчилигини тубдан яхшилашга, саноат асосида йирик уруғчилик хўжаликлари ташкил этишга доир зарур чораларнинг барчасини кўришлари лозим.

Боғдорчилик ва узумчиликдаги резервлардан етарли фойдаланилмаётир. Илғор колхоз ва совхозларнинг тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, токзорлар ва боғлардаги ток ва мева дарахтларининг сийраклигини тугатиш, токларни сўриларга кўтариб қўйиш, зараркунанда ва касалликлар билан курашни тўғри ташкил этиш, агротехника тадбирлари комплексини ўз вақтида ўтказиш йўли билангина боғ ва токзорларнинг ҳар биридан олинаётган ялпи мева ва узум ҳосилини 2 — 3 баравар кўпайтириш мумкин.

Кичик ва ўртача сув омборлари қуриш ҳамда чашмалар ва сойларнинг сувидан тўғри фойдаланиш йўли билан тоғ зоналарида ва тоғ этакларидаги ерларда узумчиликни ривожлантириш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш керак. Бундай ерларда 70 — 80 минг гектар токзор барпо қилиш, ихтисослаштирилган янги совхозларни вужудга келтириш зарур. Бу эса ўн биринчи беш йилликда узумнинг ялпи ҳосилини 1.5 миллион тоннага, майиз етиштиришни 100 минг тоннага етказиш имконини беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIX съезди қўйган вазифани, яъни ҳозирги беш йилликнинг охирига бориб мева ва сабзавот маҳсулоти етиштиришни 6 миллион тоннага етказиш вазифасини муваффақиятли бажармоқ ва ўн биринчи беш йилликда янги, тағин ҳам юқори марраларни қўлга киритишни таъминлайдиган бутун шарт-шароитларни яратмоқ учун тўла имкониятларимиз бор.

Республикада ўрмон ва дарахтзорларни сақлаш ва кўпайтиришга катта эътибор бериш лозим. Тоғ ён бағирларидан, тоғ этакларидан ва чўллардан рационал равишда фойдаланиш йўли билан дарахтзорлар майдонини кескин равишда кўпайтирмоқ учун ҳамма имкониятларимиз бор. Ерларимизни боғ-бўстонларга айлантириш ва дарахтзорларни кенгайтириш фақат ўрмон хўжалиги ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай, республикадаги ҳар бир меҳнаткашнинг ҳам шарафли ишидир.

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг муҳим тармоқларини ривожлантириш проблемаларини кўриб чиқар экан, чорвачиликни тезроқ юксалтириш вазифасини биринчи ўринга қўйди. Пленум алоҳида уқтириб ўтганидек, бу проблемани ҳал этишга бутун партиянинг, министрликлар ва идораларнинг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг, барча қишлоқ меҳнаткашларининг диққат ва эътиборини қаратиш зарур.

Кейинги йилларда республика чорвачилигида ижобий ўзгаришлар рўй берди ва рўй бермоқда. Чорва ва паррандалар сони сезиларли даражада кўпайди. уларнинг маҳсулдорлиги ошди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сутнинг миқдори 1965 йилдагига қараганда 2 баравардан зиёд кўпайди ва 1977 йилда 2135 килограммга етди. гўштга топширилаётган ҳар бир қорамолнинг ўртача вазни эса 360 килограммга етди ёки 1.6 баравар кўпайди. Товуқларнинг тухум қилиши 1.8 баравар ортди.

Бироқ. бу натижаларни кўриб хотиржам бўлмаслигимиз керак. чунки умуман чорвачиликнинг ривожланиш даражаси республика аҳолисининг тез ўсиб бораётган талабларига ҳали ҳам жавоб бермаяпти. Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда бизни мутлақо тўғри танқид қилиб «... Ўрта Осиё республикаларида шу республикаларнинг ўзида етиштирилаётган гўшт ва сут маҳсулоти ҳисобидан аҳолини шундай маҳсулотлар билан таъминлаш вазифаси суст ҳал этилмоқда», деди.

Ҳақиқатан ҳам бизда ҳали камчиликлар кўп. Шу беш йилликнинг икки йили мобайнида бир қанча областлардаги колхозлар ва давлат хўжаликлари чорвачилик махсулоти етиштириш планларини бажармадилар. Ўтган йилнинг натижалари бўйича Ғиждувон, Қизилтепа, Поп, Термиз, Охунбобоев, Бўстонлиқ, Фориш ва бир қатор бошқа районлар гўшт, сут ва тухум етиштириш борасида давлат олдида қарздор бўлиб қолдилар. Кўпгина хўжаликларда чорванинг маҳсулдорлиги паст.

Область ва районларнинг, колхозлар ва совхозларнинг партия ташкилотлари, биз ҳаммамиз бу ҳақли танқиддан жуда жиддий хулосалар чиқариб олишимиз керак, чорвачиликка партиявий раҳбарликни яхшилашимиз лозим. Ҳар бир колхозда, совхозда, хўжаликлараро корхоналар ва комплексларда бу тармоқнинг аҳволини батафсил анализ қилиб чиқиш, камчиликларни топиб дарҳол уларни тузатиш чораларини кўриш керак.

Қува район партия ташкилотидан намуна олиб яқинда район партия комитетлари ўз пленумларини ўтказдилар, шу пленумларда гўшт, сут, тухум етиштиришни беш йиллик охиригача 1,8 — 2 баравар кўпайтиришни кўзда тутган тадбирлар тасдиқланди. Бу жуда яхши. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети бюроси бу ташаббусни маъқуллади. Эндиликда мана шу белгилаб қўйилган тадбирларга яраша конкрет ташкилотчилик ишларини қилиш зарур. Бу тадбирларнинг бажарилиши ҳар бир район партия комитетининг, ҳар бир коммунистнинг сиёсий етуклиги ва ишчанлигини кўрсатувчи жиддий имтиҳон бўлади.

Чорвачиликни ривожлантириш фақат хўжалик масаласигина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга у катта сиёсий ва социал масаладир. Партия ташкилотлари кадрларга нисбатан талабчанликни оширишлари, бу тармоқдаги ишларнинг аҳволини, қаттиқ, ҳаттоки, ҳар кун назорат қилиб туришлари, мўлжалланган тадбирларни бажаришда колхозларга, совхозларга, хўжаликлараро корхоналарга ва комплексларга актив ёрдамлашишлари лозим.

Чорвачиликда интенсив методларни кенг жорий қилиш гўшт маҳсулотларини тез кўпайтиришнинг асосий резервларидир. Шу мақсадда чорвани қўлда ва яйловда боқиб семиртиришни яхшилаш, топширилаётган чорванинг вазнини ошириш. гўшт етиштиришга мўлжалланган чорвачиликни, қўйчиликни, эчкичиликни, қуёнчиликни бутун чоралар билан кенгайтириб, гўшт етиштириш мақсадида паррандачиликни ривожлантиришни тезлаштириш, балиқ етиштиришни кўпайтириш лозим.

Озуқа базасини мустаҳкамлаш чорвачиликни юксалтиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Ҳозирги вақтда республикада 675 минг гектарга ёки суғориладиган экин майдонларининг 17,7 процентига озуқа экинлари экилмоқда. Бу майдондан жуда кўп миқдорда хилма-хил озуқа олиш мумкин. Лекин ердан фойдаланишнинг қониқарли эмаслиги, бедапоялар, маккажўхори ва бошқа озуқа экилган ерлар ёмон парвариш қилинаётганлиги, такрорий экишни, экинларни қўшиб ва кетма-кет экишни жорий қилишга етарли эътибор берилмаётганлиги сабабли кўпгина колхоз ва совхозларда ҳосилдорлик пасайиб кетган, тўйимли озуқалар кам етиштирилмоқда.

Бултур Бухоро области хўжаликларида ҳар бир гектардан фақат 200 центнер силосбоп масса ва 94 центнер қуруқ беда олинди. Демак, бу область камида 200 минг тонна силосни ва 250 минг тонна қуруқ бедани кам берди. Сирдарё, Фарғона ва Жиззах областларида озуқа тайёрлаш яхши ташкил этилмади.

Шуни ҳамиша ёдда тутиш керакки, озуқаларни айниқса хилма-хил ва юқори сифатли озуқаларни етарли миқдорда тайёрлаб қўймай туриб, чорвачиликни юксалтириб бўлмайди. Ўзларингизга маълумки, яқинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакатда озуқа етиштиришни комплекс ривожлантиришга доир бир қатор қарорлар қабул қилдилар, бу қарорларни КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми маъқуллади. Область ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг, совет органларининг, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги министрликлари ва идораларининг ишини давлат аҳамиятига эга бўлган катта-катта чора-тадбирларни амалга оширишга бўйсундириш зарур. Асосий эътибор берилиши лозим бўлган нарса шуки, яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш, алмашлаб экишни қунт билан ўзлаштириш, беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинларини парвариш қилиш агротехникасини ошириш зарур.

Республиканинг омихта озуқа ишлаб чиқарувчи саноатини янада ривожлантириш керак. Тайёрлаш министрлиги мавжуд заводларини реконструкция қилиш йўли билан ҳам, янгиларини қуриш йўли билан ҳам омихта озуқа ишлаб чиқарувчи корхоналар қувватини зўр бериб кучайтириши лозим. Омихта озуқаларнинг сифатини яхшилашга доир кечиктириб бўлмас чораларни кўриш, бу озуқаларнинг мутаносиб бўлишига алоҳида эътибор бериш жуда ҳам муҳимдир. Хўжаликлараро асосда омихта озуқа ишлаб чиқарувчи корхоналар қуриш ишларини ҳам кучайтириш лозим.

Чорвачилик проблемасини ҳал этишнинг катта хўжалик сиёсий аҳамиятини уқтириб ўтаётганлигимиз тасодифий эмас. Буни муваффақиятли ривожлантириш билан биз яқин вақт ичида республика аҳолисини ўзимизда етиштирилган гўшт ва сут билан таъминлашни анча яхшилашга эришамиз.

Бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз шуки. шу беш йилликнинг охиригача гўшт. сут ва тухум тайёрлашни эришилган даражага нисбатан 2 баравар кўпайтиришимиз лозим.

Чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш чораларини кўриб чиқар эканмиз колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг шахсий хўжаликларида чорвачиликни тегишли равишда ривожлантириш учун ҳам шароит яратиб беришимиз лозим. Бу эса озиқ-овқат ресурсларини тўлдиришнинг катта манбаидир. Шу сабабли шахсий хўжаликларни ем-хашак билан таъминлаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, уларга давлат хўжаликларидан ёш моллар бериб туриш, улардаги чорва ва паррандаларга ветеринария хизмати кўрсатишни яхшилаш, ошиқча маҳсулотларни реализация қилмоқ учун бутун шарт-шароитни вужудга келтириш зарур. «Ўзбекбирлашув»нинг бўрдоқичилик хўжаликлари, саноат корхоналари ва бошқа ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари, умумий овқатланиш корхоналари таъминотни яхшилашда муҳим роль ўйнашлари лозим.

Республикада пиллачилик муваффақиятли ривожланмоқда. Бу йил пилла етиштириш 29 минг тоннага етказилди. Беш йилликнинг бошидан бери давлатга 82.4 минг тонна юқори сифатли пилла топширилди.

Яқинда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати пиллачиликни янада ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу қарорда тармоқни интенсивлаштириш, пиллачилик комплексларини қуриш билан қурт боқишни саноат асосига ўтказиш тадбирлари белгилаб берилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини 3 баравар ошириш ва қишлоқ меҳнатчиларини ўзлари турадиган уйларда қурт боқишдан аста-секин халос қилиш имконини беради. Бизнинг вазифамиз — пилла етиштиришни 1980 йилда 31 минг тоннага, 1985 йилда эса 35 минг тоннага етказишдан иборат.

Ўртоқлар! Республика қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини анализ қилиш натижалари унинг ҳар бир тармоғида ўзининг энг актуал, энг муҳим проблемалари ва участкалари, заиф жойлари ва резервлари борлигини кўрсатиб турибди. Пленумимизнинг вазифаси шуки, мана шуларга коммунистларнинг, мутахассисларнинг, барча қишлоқ хўжалик мутахассисларининг диққат эътиборини қаратишимиз, шу тармоқ билан алоқадор барча ташкилотларнинг ишини уйғунлаштириб боришимиз лозим. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида қўйилган вазифалар муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган энг тўғри йўл мана шу.

Партия хўжаликлараро кооперацияни ҳамда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришни қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришнинг ягона, энг самарали йўли деб билади. Бу ишни ўтказишдаги асосий масала шуки, чуқур ўйлаб, илмий жиҳатдан асослаб, ишлаб чиқариш юксак даражада бўлишини кўзлаб иш олиб бориш керак.

Республикадаги бўрдоқичилик хўжаликлараро корхоналарида пухта иш олиб борилаётганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Бундай корхоналарда чорванинг ҳар куниги ўртача семириши пайчи хўжаликлардагига қараганда 1,5 баравар ортиқ, маҳсулотнинг ҳар бир центнерида озуқалар 1.7 баравар ва меҳнат 3 баравар камроқ сарф бўлмоқда. Чорванинг семириш рентабеллиги 40 процентга етди ва ундан ҳам ошиб кетди. Хўжаликлараро бўрдоқичилик бирлашмалари 1977 йилда 17.7 миллион сўм фойда олдилар, шундан 7.7 миллион сўми пайчилар ўртасида тақсимланди.

Шу билан бир вақтда бир қанча областларда, кўпгина районларда хўжаликлараро кооперациянинг бу формасига ҳали ҳам етарли аҳамият берилмаётир. Айрим раҳбарлар мана шу ишларнинг ҳаммаси ҳаётий талабнинг натижаси эканлигини ва чуқур маънога эга эканлигини тушунганлари йўқ ва шу сабабли чорвачиликда, бошқа тармоқларда кооперацияни ривожлантиришга кам эътибор бермоқдалар. Хўжаликлараро кооперация ривожланиб бормоқда, уни тўхтатиб бўлмайди, бу ишни планли равишда қунт билан ишлаб чиқаришни юксалтиришга ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа чоралар билан комплекс равишда қўшиб олиб бориш керак.

Қишлоқда хўжаликлараро кооперацияни ривожлантирмоқ учун катта имкониятлар бор. Чорвачиликда хўжаликлараро ғунажин етиштириш корхоналари, паррандачилик маҳсулоти етиштириш, ерларни мелиорация қилиш, хўжаликлараро биофабрикалар қуриш ишлари аслини олганда эндигина бошланди. Очиқ ерларда ва парникларда сабзавотлар етиштириш, боғдорчилик, пиллачилик соҳасида, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ишларида хўжаликлараро кооперацияни ривожлантириш имкониятларидан фойдаланилмаётир.

Республика Госплани, Қишлоқ хўжалик министрлиги, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг Ўрта Осиё бўлими КПСС Марказий Комитетининг (1978 йил) июль Пленуми қарорларига мувофиқ, хўжаликлараро кооперациянинг энг мақбул самарали методларини муфассал ўрганиб чиқиб, ҳар бир тармоқ учун тавсия қилишлари керак.

Хўжаликлараро алоқаларни ривожлантириш билан бир қаторда агросаноат интеграцияси тарзидаги тармоқлараро алоқаларни ҳам ривожлантириш ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашда тобора катта роль ўйнамоқда. Республикада агросаноат интеграциясини ташкил этиш борасида қилинган ишлар ҳозир ижобий натижаларни бера бошлади. Кейинги уч йил ичида масалан «Узплодоовощвинпром» бирлашмасида меваларнинг ҳосилдорлиги 13 процент ва сабзавотнинг ҳосилдорлиги 17 процент кўпайди. Реализация қилинаётган маҳсулот сифати яхшиланди. меҳнат унумдорлиги ошди. «Қибрай» совхозида ишлаб чиқариш рентабеллиги интеграциядан олдин 45 процент эди, маҳсулотни қайта ишловчи завод билан бирлашганидан кейин рентабеллиги ошиб 52 процентга етди, хўжаликнинг олаётган фойдаси 1974 йилдаги 825 минг сўмдан 1977 йилда 1 миллион 470 минг сўмга етди.

Агросаноат бирлашмалари асосида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашни ташкил этиш ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналарни бирбирига узвий равишда қўшиш борасида қилинаётган катта ишнинг бошланишидир холос. Келгусида агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ривожлантирилади. Вазифамиз шуки, тўпланган тажрибага, фан муваффақиятларига таяниб, янги агросаноат бирлашмаларини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқ формаларини ва йўлларини топишимиз керак.

Академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажрибасидан фойдаланиб, бошқа тармоқларда ҳам шундай бирлашмалар тузавериш керак. Қишлоқ хўжалик министрлиги. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими бу ишни кучайтириб юборишлари. сабзавотчиликда, каноп, маккажўхори, беда уруғлари етиштиришда, наслчилик ишида, озуқа етиштиришда ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш имкониятларини ўрганиб чиқиб. бу ҳақда зарур таклиф киритишлари лозим.

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг (1965 йил) март Пленумидан кейин бутун мамлакатда бўлгани сингари бизнинг республикамизда ҳам қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш борасида катта ишлар қилинди. Ишлаб чиқарувчи кучлар янги поғонага кўтарилди, колхоз ва совхозларда ишлаб чиқариш миқёслари кенгайди. меҳнатни умумлаштириш ва меҳнат тақсимоти янада ривожланди, бутун агросаноат комплексининг иқтисодий алоқалари кенгайди ва мураккаблашди. Мана шуларнинг ҳаммаси хўжалик механизмининг барча томонларини янада такомиллаштиришни объектив равишда талаб қилмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев докладида бу ишнинг программаси аниқ белгилаб берилди.

Марказий Комитет Пленуми планларни кўпайтириб юборишдан, планларни тез-тез ва асоссиз равишда ўзгартиравершдан воз кечишни зарур деб топди. Ўн биринчи беш йилликдан бошлаб республикаларга, областларга, районларга ва хўжаликларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишнинг ҳар йилга тақсимлаб берилган, беш йилликка мўлжалланган ягона планини белгилаш кўзда тутилди. Аслини олганда бунда гап колхозлар ва совхозлардан тортиб то Госплангача — ҳамма босқичдаги планлаштириш системасини қайта қуриш ва тубдан яхшилаш тўғрисида боряпти. Беш йилга мўлжалланган ягона планлаштиришни илмий асослашни кучайтириш. зарур норматив база вужудга келтиришни. мавжуд ресурсларни ва ишлаб чиқаришнинг конкрет шароитини тўлиқ ҳисобга олишни талаб қилади.

Республика Госплани, Қишлоқ хўжалик министрлиги, бошқа қишлоқ хўжалик идоралари, илмий муассасалар планлаштириш ва тайёрлашнинг янги системасига ўтишга пухта ва ҳар томонлама тайёрланишлари, юқори кўрсаткичларга эришган хўжаликларни, шунингдек колхозчилар, совхоз ишчиларини, мутахассисларни ва раҳбарларни рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқишлари зарур. Бу чоралар ишлаб чиқаришни юксалтириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Маҳсулот тайёрлашни такомиллаштириш жуда муҳим масаладир. Ҳозирги вақтда колхозлар ва совхозлар маҳсулот тайёрловчи жуда кўп ташкилотлар билан иш олиб бораётганлиги сабабли маҳсулотни реализация қилишда катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Маҳсулот тайёрлашнинг, айниқса мева, сабзавот маҳсулоти тайёрлашнинг ҳозирги мураккаб системаси ишлаб чиқаришни юксалтириш йўлига кўпинча ғов бўлиб қолмоқда.

Госплан, Қишлоқ хўжалик министрлиги. Тайёрлов министрлиги, «Узплодоовощвинпром» республиканинг бошқа манфаатдор министрликлари ва идоралари иштироки билан бу ишни чуқур ўрганишлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти тайёрлашни тубдан яхшилашга қаратилган ҳамда асосланган таклифларни тайёрлашлари керак.

Харид нархларини такомиллаштириш Марказий Комитетнинг июль Пленумида мўлжаллаб қўйилган иқтисодий чоралар системасида муҳим ўринга эгадир. Сут, жун, қоракўл, қўй гўшти, картошка ва айрим сабзавот турларининг харид нархларини (чакана нархларини ўзгартирмай туриб) 1979 йил 1 январдан бошлаб оширишга қарор қилинди. Шундай қилиб, маҳсулотнинг шу турларини етиштиришдан зарар кўришни тугатиш учун қулай шароит вужудга келтирилади.

Республикалар ичида ҳам нархларни такомиллаштирмоқ учун кўпгина ишлар қилиш мумкин ва лозим. Пахта ва бошқа баъзи бир хил маҳсулотларнинг харид нархлари табақалаштирилганлиги колхозлар ва совхозлар фаолиятининг иқтисодий шароитини тенглаштиришга ёрдам берди. Бу ишни давом эттириш ва шароити бир хил бўлмаган барча хўжаликларга ишлаб чиқаришни ривожлантирмоқ учун баб-баравар имконият яратиб бериш керак.

Республикада мева-сабзавот маҳсулотларидан кўпгина турларининг харид нархларига доир таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Бу ишни ўтказишда харид нархларини мавсумга ва ишлаб чиқариш шароитига қараб илмий асосда табақалаштириш зарурлигини кўзда тутмоқ керак. Давлат нархлар комитети илмий-тадқиқот ташкилотларининг. манфаатдор министрликлар ва идораларнинг иштироки билан бу масалаларни чуқур ўрганиб чиқиши ҳамда тегишли таклифларни тайёрлаб бериши зарур.

Қишлоқ хўжалиги тобора индустрлаштирилаётганлиги ҳамда колхоз ва совхозларга техника, ўғит ва бошқа саноат маҳсулотлари етказиб бериш кўпайтирилаётганлиги муносабати билан шу маҳсулотнинг нархлари масаласи тобора катта аҳамият касб қилмоқда. Кейинги йилларда республикамизда янги машиналарнинг унумдорлиги ошганлиги билан уларнинг нархлари бирбирига бирмунча мос келмай қолганлигини фактлар кўрсатиб турибди. Шу сабабли республика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган янги техниканинг нархларини келишиб олиш чоғида қишлоқ хўжалик министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва индустрия вакиллари саноатнинг ҳам, қишлоқ хўжалигининг ҳам манфаатларини ҳисобга олишлари керак.

КПСС Марказий Комитети Пленумида рентабеллик даражаси ҳозирги вақтдаги 15 процент ўрнига 25 процентдан кам бўлган колхозларни даромад солиги тўлашдан озод қилишга қарор қилинди. Бу эса республикада 200 га яқин хўжаликнинг соф даромадини 750—800 минг сўм миқдорида кўпайтириш имконини беради. Табиий офатлардан зарар кўрган совхозларда рўй берган талафотнинг ўрнини тўлдириш учун тўланадиган маблағнинг миқдори давлат бюджети ҳисобидан оширилади, колхозлар ва совхозларнинг давлат банки берган қарзнинг тўланмай қолган қисми кечиб юборилади ва кредитларни узиш муддати кечиктирилади. Колхозчилар пенсияларининг минимал миқдори 40 процент оширилади.

Мана шуларнинг ҳаммаси колхозлар ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш, қишлоқ меҳнатчиларининг моддий фаровонлигини ўстириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюро, шахсан Леонид Ильич Брежнев қилаётган оталарча ғамхўрликнинг янги ифодасидир. Бу чоралар ишлаб чиқаришни жадал юксалтириш учун янги имкониятлар очиб беради. Колхозларимиз, совхозларимиз бу ғамхўрликка фидокорона меҳнат қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, мавжуд резерв ва имкониятлардан тағин ҳам тўлиқроқ фойдаланиш билан жавоб берадилар.

Маълумки, резервларимиз оз эмас. Кўпгина областлар, районлар, хўжаликларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши секин бораётганлиги, маҳсулот таннархи пасаймаётганлиги айниқса ташвишлантирмоқда. Бунинг сабаби аввало шуки, маҳсулот етиштириш учун ҳали ҳам кўп меҳнат ва маблағ сарфланмоқда. 1 центнер пахтанинг таннархи Тошкент области колхозларида 1977 йилда 39,4 сўмга тушган бўлса, Фарғона областида 45,7 сўмга тушди. Шу сабабли пахтанинг ҳар бир тоннасидан олинган соф фойда Фарғона колхозларида Тошкент области колхозларига қараганда 1,4 баравар кам бўлди. Резервлар ҳақиқатан ҳам кўп. Мана шуларнинг ҳаммаси хўжалик ишларини тағин ҳам тежамлироқ қилиб олиб бориш, ишларни механизациялаш даражасини кескин равишда ошириш, ўринсиз харажатларни қисқартириш вазифасини олдимизга қўймоқда.

1976—1977 йиллар ичида бизда меҳнат унумдорлиги ҳар йили тўққизинчи беш йилликдагига қараганда ўртача ҳисобда 11 процент ошди. Бироқ. кўпгина областлар, районлар ва хўжаликларда эришилган меҳнат унумдорлиги даражаси мавжуд имкониятларимиздан анча паст. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети меҳнат ва моддий ресурслардан рационал равишда фойдаланиш учун, меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашни министрликлар ва идоралар, область ва район раҳбарларининг, барча колхоз ва совхозлар раҳбарлари ва мутахассисларининг энг биринчи вазифаси бўлиб қолиши лозим деб ҳисоблайди. Иқтисодий тежашни ва тежамкорликни кучайтириш йўлида планли иш олиб боришни ҳамма жойда ташкил этиш, хўжасизлик ва исрофгарчилик билан, маблағлар ва материалларни бошқа мақсадларга сарфлаб юбориш билан курашиш. капитал маблағлардан самарали фойдаланишга эришиш зарур.

Хўжаликлараро кооперацияни ривожлантириш ҳамда колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш

Ўртоқлар! Колхозлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси негизида ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни ва концентрациялашни кучайтириш қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини оширишга қаратилган туб чоралар орасида катта аҳамиятга эгадир. КПСС Марказий Комитети мана шу улкан социал жараёнга умумпартиявий, умумдавлат нуқтаи назаридан катта аҳамият бермоқда.

«Хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг маълум қарорига биноан республикада анча ишлар қилинди. Аниқ программа ишлаб чиқилди. ихтисослаштириш концентрациялаш ва агросаноат интеграциясининг тармоқларга доир йўналишлари ва формалари белгилаб берилди. Бу масала Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VII пленумида махсус кўриб чиқилди.

Ихтисослаштириш ва хўжаликлараро кооперация жойларда актив ривожланмоқда. Буни кооперативлашган корхоналар ўсиб бораётганлиги, колхозлар ва совхозлар бу корхоналарга тобора кенгроқ тортилаётганлиги кўрсатиб турибди. Ихтисослаштирилган корхоналар 1977 йилда товар маҳсулотнинг катта қисмини яъни тамаки, пахтанинг 100 процентини, шолининг 91 процентини, мева-сабзавот маҳсулотининг 66 процентини, гўштнинг 62 процентини, тухумнинг 89 процентини берди.

Бироқ шуни эътироф қилиш керакки, бир қанча областлардаги пахтачилик ва бошқа ихтисослаштирилган хўжаликларда кўп тармоқликни қисқартириш жуда суст бормоқда. Шу сабабли ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни чуқурлаштириш ишларини активлаштирмоқ керак.

Хўжаликлараро кооперацияни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Қишлоқларда қурилиш ишларига кўпроқ эътибор берайлик

Ўртоқлар! Қишлоқда қурилишни ривож олдириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия аграр сиёсати ҳозирги босқичнинг жуда муҳим таркибий қисми бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин қишлоқ қурилиши халқ хўжалигининг муҳим тармоғига айланди. Бизда Қишлоқ қурилиши министрлиги тузилди, бу министрлик республиканинг барча областлари ва районларида иш олиб бормоқда.

«Узколхозстрой» бирлашмаси системасидаги қурилиш ташкилотлари яхши ишлаяптилар. Бу ташкилотлар бош пудратчилик ташкилоти вазифасини бажариш билан бир қаторда колхозлардаги қурилишлар бўйича бош лойиҳаловчи ва буюртмачи бўлиш вазифасини ҳам ўз зиммаларига олдилар, лойиҳа тузишдан тортиб объектни фойдаланишга топширишга қадар бўлган ишларнинг бутун комплексини бажармоқдалар.

Қишлоқ қурилиш ташкилотининг қуввати тез суръатлар билан ошиб бормоқда. Уларнинг ишлаб чиқариш базасини барпо қилишга кейинги ўн икки йил ичида давлат ва колхоз маблағларидан қарийб 600 миллион сўм пул сарфланди.

Ҳозир республикадаги қишлоқ объектлари қурилишида 200 мингга яқин малакали бинокор ишчилар меҳнат қилмоқда, улар ҳар йил 600 миллион сўмликдан кўпроқ иш бажармоқдалар. Чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари, ремонт устахоналари ва агротехника марказлари, уруғлик, ўғит, сабзавот сақлайдиган омборлар ва теплица комбинатлари йилдан-йилга тобора кўпроқ барпо қилинмоқда. Йўл қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Кейинги 12 йил ичида республиканинг қишлоқ жойларида 34 миллион квадрат метрга яқин уй-жой қурилди. 1 миллион 194 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, қарийб 253 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, 20 минг ўринли касалхоналар, бир йўла 8500 беморни қабул қилишга мўлжалланган поликлиникалар, кўпгина клублар, магазинлар, маиший комбинатлар ҳамда бошқа маданий-маиший муассасалар бино қилинди.

Қишлоқ посёлкаларимизнинг кўплари қурилишнинг юксак даражада бўлиши ва архитектура қурилиши — бадиий безатилиши билан Ватанимиз ва жаҳондаги ҳамда ҳозирги қурилиш практикасига мос келаётганлиги билан, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаси жиҳатидан ҳам шаҳарларнинг аҳоли яшайдиган районларидан унчалик фарқ қилмаётганлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози, Сирдарё районидаги «Ленинград» Жомбой районидаги «Октябрь» Шовот районидаги «Ленинград» колхозлари Пахтаобод районидаги «Маданият» совхози, Поп районидаги Ленин номли территориал-ишлаб чиқариш бирлашмаси уй-жой посёлкаларини комплекс равишда қуриш борасида ибратли тажрибага эгадирлар. Қишлоқларда 390 та уй-жой қурилиш кооперативлари ташкил этилган.

Қишлоқларни қайта қуриш ва хутор системасини тугатиш борасида қилинган ишларга баҳо бериш билан бирга шуни тўппа-тўғри айтиш керакки, қишлоқ қурилиши бизда ҳозирча нозик участка бўлиб турибди. Қишлоқ қурилиши билан шуғулланувчи кўпгина ташкилотларнинг ишлаб чиқариш базаси талабларга жавоб берарли даражада эмас. Қишлоқ қурилиши министрлигида йирик панеллардан уйлар қуриб берадиган база ҳали ҳам йўқ деса бўлади, деворбоп материаллар, пардозлаш материаллари ва норуда материаллар етарли миқдорда чиқарилмаяпти. Қишлоқ қурилишида ишлар ҳажмининг ўсиши суст эканлиги ҳам тасодифий эмас. Махсус мақсадларга мўлжалланган конструкциялар етарли эмаслиги сабабли кўпинча министрлик саноат қурилишлари учун чиқарилаётган буюмлардан қишлоқлардаги янги қурилишларда фойдаланмоқда. Бу материаллар эса ҳам оғир ҳам қиммат.

Сизларга маълумки, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқлардаги ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший қурилишларни ташкил этишга доир барча ишларни яхшилашга қаратилган қатъий чораларни амалга оширишни зарур деб топди ва бундай тадбирлар программасини ишлаб чиқишни СССР Министрлар Советига топширди.

(Давоми 4-бетда)

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

(Боши 1-, 2-, 3- бетларда)

Ўртоқ Л. И. Брежнев шу программага нисбатан қўйиладиган асосий талабларни белгилаб берар экан, бу программа қишлоқ қурилишининг индустриал базасини жадал ривожлантириш билан алоқадор масалаларнинг бутун комплексини ўз ичига олиши лозимлигини уқтириб ўтди. Бунда гап қишлоқларда йирик қурилиш комбинатлари ҳамда махсус қурилиш ва монтаж ишларини бажарадиган бўлинмаларни ташкил этиш тўғрисида бораётир. Ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган қурилиш учун ажратилган ҳамма маблағларни қишлоқ фойдасини кўзлаб бир мунча қайта тақсимлаш кўзда тутилди.

Уй-жой қурилишининг характери хусусида Пленумда айтилган мулоҳазалар катта аҳамиятга эгадир. Яқинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети бу масала тўғрисида махсус қарор қабул қилдилар. Бу қарорда оилаларни албатта томорқа участкаси ҳамда уй ҳайвонлари, парранда ва шахсий транспорт воситалари учун керакли иморатлари бўлган алоҳида шинам уйлар билан таъминлаш кўзда тутилди. Мана шундай ховли-жойлар қуриш қишлоқ аҳолиси турмушининг хусусиятларига ва манфаатларига энг кўп даражада мос бўлиб тушади.

Шу йилнинг бошида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қишлоқ қурилиши министрлиги ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаларини ривожлантиришга доир кескин чораларни белгилаб берди ва ҳозир бу қарорлар амалга оширилмоқда. Яқин йиллар ичида министрлик составида қишлоқнинг қурилиш индустрияси учун йирик уйсозлик комбинатлари ва корхоналари барпо қилиш. Йиғма-темир бетон ишлаб чиқарадиган қувватларни 1985 йилда 2,4 баравар, дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқаришни 1,5 баравар, металл конструкциялар ишлаб чиқаришни 2 баравар кўпайтириш кўзда тутилди. Тошкент областининг Юбилейний поселкасида, Когон районида ва Фарғона областининг Қақир станциясида уйсозлик комбинатлари қад кўтаради. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги учун темир-бетон ишлаб чиқарадиган катта заводлар, норуда материаллар қазиб олинадиган карьерлар ва бошқа корхоналар қурилади.

Бироқ, июль Пленумининг талабларини ҳисобга олиб, министрлик шу тадбирларни амалга ошириш муддатларини камида 1—2 йил қисқартириши ва шу беш йилликнинг охирига бориб қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини 400 миллион сўмга, 1985 йилда эса йилига 500—600 миллион сўмга етказиши зарур.

«Узколхозстрой» бирлашмасининг раҳбарлари ҳам шундай чоралар кўришлари шарт. Колхозларда бажарилаётган қурилиш ишларининг ҳажмини 1980 йилда камида 450—500 миллион сўмга, 1985 йилда эса йилига 600 миллион сўмга етказиш учун ҳамма чораларни кўриш лозим.

Ҳозир мамлакатда бутунлай янги типдаги ихтисослаштирилган йирик районлараро ва областлараро қурилиш индустрияси корхоналари барпо қилишга киришилди. Бу корхоналар материаллар ва конструкцияларнинг айрим турларини эмас, балки тайёр ишлаб чиқариш майдонларини, чорвачилик комплексларини, паррандачилик фабрикаларини, уй-жой биноларини, жамоат ва маъмурий биноларини барпо қилмоқ учун бундай материаллар ва конструкцияларнинг тўлиқ комплектини ишлаб чиқаришлари лозим. Бундай корхоналарнинг буюмлари заводда тўла-тўкис тайёр бўлиб чиқиши, қишлоқ қурилиши майдонларини амалда монтаж майдонига айлантиришни таъминлаши зарур. Бу эса республикамизнинг кўпгина районларида айниқса муҳимдир.

Госстрой, Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Узколхозстрой» бирлашмаси шу масалаларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқишлари, аниқлаб олишлари, қишлоқ қурилиши учун қурилиш индустриясининг янги типдаги корхоналарини барпо қилишга дарҳол киришиш мақсадида янги корхоналар лойиҳасини тузиш тўғрисида берилган топшириқларга, керак бўлиб қолган тақдирда зарур тузатишлар киритишлари лозим.

Лойиҳалаш ишлари жиддий яхшиланишга муҳтож. Республиканинг Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой» ва «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси, уларнинг илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари қишлоқ учун ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи объектлар лойиҳасини, айниқса чорвачилик комплекслари лойиҳасини тузишга ғоят пухталик билан ёндашишлари керак. Бу ишда жиддий камчиликлар бор. Қурилишнинг смета қийматини пасайтириб белгилаш, саноат қурилиши учун мўлжалланган ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши технологиясининг бизнинг шароитимизда синаб кўрилмаган буюмлар ва конструкциялари ҳеч бир ўзгартирмай қўлланиш фактлари бор. Мана шуларнинг ҳаммаси оқибат натижада қурилиш муддатларининг чўзилиб кетишига ва битмай қолган қурилишлар ҳажмини ошириб юборишга олиб келади. Шунинг учун ҳам колхозлар ва совхозларда капитал қурилиш планларини тузишга кўпроқ эътибор бериш, лойиҳаларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳақиқатан прогрессив усулларини ва ечимларини кўзда тутиш, қурилишларни ускуналар ва материаллар билан бутлаш ишларини такомиллаштириш жуда муҳимдир.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхозлар ва совхозлардаги ишлаб чиқариш объектларини, биринчи навбатда чорвачилик фермаларини реконструкциялаш ва модернизация қилишга жуда синчковлик билан эътибор беришлари, бу объектларни ҳозирги замон талабларига мослаштиришлари керак. Бу ишга лойиҳачиларни ва қурувчиларни, шунингдек «Узсельхозтехника» бирлашмасини ва Қишлоқ хўжалик министрлигини жалб қилиш керак. Бу министрлик составида коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ва махсус ремонт-қурилиш тресги бор.

Пленум қарорларини бажара бориб, қишлоқ қурилиш ташкилотларини юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлашимиз, қишлоқ эҳтиёжлари учун махсус инженерлар, техник-қурувчилар ва архитекторлар тайёрлашни ташкил этишимиз зарур. Республика Госплани ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги бу масалаларни ўйлаб чиқиб, зарур таклифларни киритишлари лозим.

Партия, совет ва хўжалик ташкилотлари қишлоқ қурувчиларига меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилишлари, уларнинг юксак даражада унумли меҳнат қилишлари ва яхши дам олишлари учун бутун шароитни яратиб беришлари, кадрларнинг ўз ишларида муқим бўлиб қолишларига, қишлоқда доимий ишлайдиган меҳнат коллективлари вужудга келтиришга ёрдам беришлари лозим.

КПСС Марказий Комитети Пленумида шаҳарлар ва саноат корхоналарининг қишлоқни оталиққа олиб уларга ёрдам беришларини бутун чоралар билан ривожлантиришга катта эътибор берилди. Пленум Тошкент партия ташкилотларининг қишлоққа ҳар томонлама оталик ёрдами кўрсатиш борасидаги ишларига юксак баҳо берди. Тошкентликларнинг тажрибасини область, шаҳар ва район партия комитетларининг ҳаммаси, республикадаги барча саноат корхоналари жуда кенг равишда қўллаб-қувватлашлари зарур.

Бизнинг индустриямиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришдан ҳеч қачон четда турган эмас. Бизда Ўроқ билан Болға иттифоқи ҳамиша маҳкам ва бузилмас иттифоқ бўлиб келган. Биз шунга эришмоғимиз лозимки, саноат корхоналари, транспорт, қурилиш ташкилотлари белгилаб қўйилган планларни, қишлоқнинг барча буюртмаларини ўз муддатида, сифатли қилиб ва барқарор бажарадиган бўлсинлар. Қишлоққа зарур техника ва материалларни етказиб бериш масалалари партия, совет ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг ва халқ контроли органларининг диққат марказида туриши лозим.

Оталик ишларини ҳам муайян мақсадни кўзлаб ва актив равишда олиб бориш керак. Бу иш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг техника даражасини оширишга, теплица комбинатларини, чорвачилик фермаларини, озуқа цехларини, уй-жой ва маданий-маиший объектларни лойиҳалаш ва қуриш ишларини яхшилашга, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг катта программасини амалга оширишга ёрдам бериши лозим.

Ташкилотчилик ва идеология ишларини ҳозирги замон талаблари даражасига кўтарайлик

Ўртоқлар! Пленумда Леонид Ильич Брежнев қишлоқдаги ташкилотчилик ва идеология ишларининг бош, стратегик йўналишларини белгилаб берар экан, қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашнинг янги босқичига партиявий раҳбарликнинг тағин ҳам юқори даражаси ва омма орасида олиб бориладиган ишларнинг янада чуқур методлари мувофиқ бўлиши лозимлигини уқтириб ўтди. Биз КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг бу кўрсатмасига оғишмай амал қилишимиз лозим. Ҳар бир партия комитетининг, ҳар бир партия ташкилотининг иш услубини, формалари ва методларини яхшиламоқ учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўриш керак.

Ишнинг муваффақияти, барча планларимиз ва топшириқларимизнинг тақдири ишлаб чиқаришда, далалар ва фермаларда, меҳнат коллективларида ҳал қилинади. Бошланғич партия ташкилотлари уларнинг сиёсий ядросидир. Ҳозирги вақтда қишлоқда аслини олганда биронта ишлаб чиқариш участкаси йўқки, унда коммунистларнинг уюшган отряди иш олиб бормаётган бўлсин.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан бери ўтган вақт ичида Ўзбекистоннинг қишлоқ партия ташкилотлари анча ўсди ва мустаҳкамланди. Ҳозир уларнинг сафида 310 минг нафар ёки 1965 йилдагига қараганда 1,5 баравар кўп коммунист бор. 170 минг коммунист бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, унинг асосий участкаларида ишлаб турибди. Булар орасида 38 минг нафар механизатор, 1,5 минг нафарга яқин чорвадор, 14 минг нафар агроном, инженер, экономист, зоотехник ва бошқа мутахассислар бор.

Қишлоқда 2000 тадан кўпроқ бошланғич партия ташкилоти, 14500 та цех группаси ва 5400 та партия группалари ишлаб турибди. Бу катта, ишончли ва синалган армиядир. Булар КПСС аграр сиёсатини ўтказувчи жанговар кишилардир.

Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг туб вазифаларини ҳал этишга ишнинг кўзини билиб, оқилона таъсир ўтказмоқдалар. Улар қишлоқ меҳнатчиларини партия директиваларини амалга ошириш учун курашга жипслаштирмоқдалар ва сафарбар қилмоқдалар, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча участкаларида коммунистларнинг авангардлик ролини таъминламоқдалар.

Ташаббускорлик, ишчанлик кўрсатаётган ва кунт билан ишлаётган, одамларни тарбиллашга, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини юксалтиришга катта таъсир ўтказаётган партия ташкилотлари ҳар бир районда тобора кўпаймоқда. Область ва район партия комитетлари уларнинг қимматли тажрибасини чуқурроқ ўрганишлари ва кенг ёйишлари керак.

Шу билан бир вақтда колхоз ва совхозлардаги ишларнинг аҳволи учун, ишдаги қолоқлик учун ва кўрсаткичлар пасайиб кетганлиги учун партия ташкилотларининг масъулиятини ошира бериш зарур. Бундан буён ўтказиладиган ҳисобот ва сайловлар мана шу мақсадларга ва вазифаларга бўйсундирилиши лозим. КПСС Устави талабларига мувофиқ партия органларига ҳам, умуман бошланғич партия ташкилотларига, ҳар бир коммунистга нисбатан ҳам юксак даражада талабчан бўлмоқ керак.

Область, район партия комитетлари, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бўлимлари бошланғич ташкилотларни ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш устида кўпроқ ишлашлари, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш борасида КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида ишлаб чиқилган улкан программани амалга оширишда бошланғич ташкилотларнинг ролини оширишлари керак.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон коммунистлари ва меҳнаткашлари ҳам қишлоқдаги партиявий раҳбарликнинг зарбдор кучи, бош сиёсий органлари, юксак даражада мўътабар бўғинлари бўлган район партия комитетларини қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш борасида узоқни кўриб ва донишмандлик билан амалга оширилаётган чоралар учун ленинчи партия Марказий Комитетидан ғоятда миннатдордирлар. Илгари ишлаб келган район партия комитетлари қайта тикланганлиги ва янги райкомлар барпо қилинганлиги экономикага партия раҳбарлигини яхшилаш, бу раҳбарликни тағин ҳам кўпроқ таъсирчан ва самарали қилиш имкониятини берди.

Кейинги вақтларда республикадаги район партия комитетларининг аксарияти янги тажриба билан бойиди, ленинча услубда ишлаш усулини эгаллаб олди. Район партия комитетлари қишлоқда бўлаётган социал-иқтисодий жараёнларни чуқур ўрганмоқдалар, истиқболни кўриб ишламоқдалар, асосий вазифаларни биринчи ўринга қўйишни биладилар. Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришни таъминламоқдалар. Масалаларни билимдонлик билан ҳал этмоқдалар, оператив равишда ишлаб, яхши пировард натижаларга эришмоқдалар.

Избоскан, Свердлов, Дўстлик, Қарши, Задарё, Иштихон, Қумқўрғон, Калинин, Ғалаба, Қува, Қўшкўпир, Хўжайли, Сирдарё, Хива, Хўжаобод ва бошқа кўпгина район партия комитетлари учун партиявий раҳбарликнинг худди мана шу услуби — ижодкорлик услуби — ишчанлик услуби характерлидир. Бу районлар бир неча йилдан бери илғор бўлиб келмоқдалар. Улардан ўрганишга арзигулик ишлар кўп, улардан юксак даражада масъулиятли бўлиш, ишга чинакам давлат, партия манфаатларини кўзлаб ёндашиш намуналарини ўрганиш мумкин ва лозим.

Лекин, афсуски район партия комитетларининг ҳаммаси ҳам мана шундай пухталик ва аҳиллик билан ишлаётир деб бўлмайди. 17 та район гўшт тайёрлаш ярим йиллик планини бажармади. 14 район сут тайёрлаш ярим йиллик планини, 13 район тухум тайёрлаш ярим йиллик планини бажармади. Шуни айтиб ўтиш керакки, иш услуби ва методлари ҳозирги юксак талабларга жавоб бермаётган баъзи партия комитетларининг ва улар раҳбарларининг фаолиятидан мамнун эмасмиз.

Республика партия ташкилотида партия ташкилотларига ва меҳнат коллективларига ҳозирги замон талаблари даражасида раҳбарлик қилишга лаёқатли бўлган билимдон, яхши тайёрланган, айтиш мумкинки, талантли ташкилотчиларнинг катта отряди бор. Барча партия комитетлари раҳбарларнинг фаолиятига баҳо беришга кескин ва принципиаллик билан ёндашишлари, уларга нисбатан юксак даражада талабчан бўлишлари лозим. Ёмон ишга, топшириқларнинг бажарилмаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Давлат ва план интизомига риоя қилишга масъулиятсизлик билан қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Область ва район партия комитетлари партия, давлат ва жамоат контролининг барча формаларини созлаб олишлари, ҳар бир бригада, ферма, бўлимнинг ҳар бир колхоз, совхоз, бирлашманинг топшириқларни бажаришига эришмоқлари лозим. Биз кадрлар билан ишлашни муттасил, кун сайин яхшилашимиз керак. Ўрта бўғин кадрларига, бўлимларнинг бошқарувчиларига, бригада бошлиқларига, фермаларнинг мудирларига айниқса кўпроқ эътибор бериш керак. Бу соҳада ҳозирча лавозимларнинг учдан бир қисмидан сал кўпроғида қишлоқ хўжалик мутахассислари ишламоқда. Партия ташкилотлари бу тоифадаги ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари зарур.

Техникумларда ва айниқса ҳунар-техника таълими йўли билан механизатор кадрлар, қурувчилар ва бошқа касбдаги кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Бизда ўзининг ҳунар-техника билим юрти бўлмаган районлар ҳали ҳам бор. Бу нуқсонни тезроқ тугатиш ва ҳар бир районда албатта иккита шундай билим юрти ташкил этиш зарур. Буларнинг бири механизаторлар тайёрлаш билан, яна бири қурувчилар тайёрлаш билан шуғулланиши лозим. Колхозлар ва совхозлардаги умумий мажбурий таълим ўрта мактабларнинг бир қисмини ҳунар-техника билим юртларига айлантириш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Госплан, Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ҳунар-техника таълими давлат комитети манфаатдор министрликлар ва идоралар иштироки билан тегишли таклифларни қисқа муддат ичида тайёрлаб топширишлари керак.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари партия ташкилотларини конкрет иш программаси билан қуроллантирди. Улар Пленумнинг программ ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган юксак мазмунни ҳар бир меҳнатчига чуқур англатишлари, меҳнаткашларнинг меҳнат ғайратига ва сиёсий активлигига бошчилик қилишлари лозим. Яна бир қувонарли ҳол шуки, июль Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев докладида, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларига доир қарорида асос қилиб олинган ва баъни яқинда матбуотда эълон қилинган чуқур фикрлар қишлоқ меҳнатчиларига жуда катта ижобий таъсир ўтказмоқда. Ҳамма жойда меҳнат коллективлари Пленум талаблари асосида ўз вазифаларини белгилаб олмоқдалар. Бу вазифаларнинг моҳияти пахта ва бошқа экинларнинг мўл ҳосили учун, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш ҳамда беш йиллик учинчи йилининг ва умуман беш йилликнинг социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун курашда иш сифатини оширишдан иборатдир.

Партия ташкилотлари қишлоқ коллективларини КПСС аграр сиёсатини ҳаётга татбиқ қилишга йўллаш билан бирга социалистик мусобақани янада ривожлантиришга, кенг меҳнаткашлар оммасининг меҳнат ғайратини ва ижтимоий сиёсий активлигини оширишга ҳар доим эътибор бериб туришлари лозим. Ишлаб чиқариш илғорларининг ватанпарварлик ташаббусларини бошлаб берган коллективларнинг тажрибаларини моҳирлик билан пропаганда қилиш, мусобақани ташкил этишдаги камчиликларни принципиал танқид қилиш жуда муҳимдир. Бу ишни такомиллаштиришда матбуотимиз, телевидение ва радионинг, бутун оммавий ахборот, пропаганда, оғзаки сиёсий агитация воситаларининг позицияси тағин ҳам активроқ бўлиши лозим.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини ҳаётга татбиқ этиш идеология фронти ходимлари олдига янги, тағин ҳам мураккаб ва масъулиятлироқ вазифалар қўймоқда. Бу ишга оммага ғоявий таъсир ўтказишнинг барча жанговар воситалари ва формалари: сиёсий маориф, оғзаки ва матбуот пропагандаси, агитация ва ахборот системаси бўйсундирилиши лозим. Идеология ишига тағин ҳам конкретроқ тус бериш, бу ишни муайян мақсадни кўзлаб, комплекс тарзда олиб бориш зарур. Меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялаш марказий вазифаларнинг биридир. Ленин таъбири билан айтганда, бу вазифанинг моҳияти, янгидан-янги ишлаб чиқариш вазифаларини кенг ва мустаҳкам ишонтириш негизига «қуришдан» иборат. Ғоявий-тарбиявий ишлар янги вазифаларни ҳал этишга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча резервларини ишга солишга актив равишда кўмаклашуви лозим.

Қишлоқ меҳнатчилари ишлаётган шароит енгил эмас. Бу эса партия, совет, касаба союз, хўжалик органларидан колхозчилар, совхоз ишчилари, мутахассислар тўғрисида, айниқса кўриқ ерларни ўзлаштирувчилар тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишни талаб этади. Деҳқонларга ва чорвадорларга маиший, савдо, медицина хизмати кўрсатиш муттасил яхшиланиб бориши лозим. Шуни унутмаслик керакки, ҳозирги қишлоқ маданият муассасалари иши даражасининг оширилишига муҳтождир. Бу яхши, соғлом эҳтиёждир. Бу эҳтиёжлар совет кишисининг маънавий талаблари ўсиб бораётганлигидан далолат беради, бу талабларни тўла равишда қондириш керак.

Жуда кенг маънодаги қишлоқ маданиятини, меҳнат ва турмуш маданиятини ҳам, инсоний муносабатлар маданиятини ҳам ошириш ишларини кунт билан давом эттиришимиз лозим. Партия, жамоат ташкилотлари, министрликлар ва идоралар, колхозлар ва корхоналарнинг раҳбарлари, барча кадрларимиз бу масалалар билан кун сайин шуғулланиб туришлари лозим.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини ҳаётга татбиқ этиш ишлари ҳамма жойда юксак даражада уюшқоқлик билан олиб борилиши лозим. Областлар, районлар ва шаҳарларда пленумлар ёки партия активи йиғилишларини ўтказиб, бошланғич партия ташкилотларида коммунистларнинг йиғилишларини ўтказиб, Пленум қарорларини бажармоқ учун ҳар бир коллектив конкрет равишда нима ишларни ва қайси муддатларда қилиши кераклигини аниқ белгилаб олиш лозим. Совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, халқ контроли органлари қишлоқ хўжалигини янада зўр куч билан юксалтириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида ўзларининг ўринларини ва биринчи навбатдаги вазифаларини белгилаб олишлари лозим.

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалигимизни янада юксалтириш катта умумпартиявий, умумдавлат, умумхалқ вазифасидир. Бу ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ишидир. КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини амалга оширмоқ учун меҳнаткашлар оммаси зўр куч-ғайрат сарфлашлари ва ижодий ташаббускорлик билан ишлашлари талаб қилинади, республика партия ташкилотининг бутун бой тажрибасини, партия ташкилоти кадрларининг билимларини ва ташкилотчилик санъатини талаб қилади.

Республика партия ташкилоти қийинчиликлардан ҳеч қачон қўрққан эмас. У қийинчиликларни қизғин меҳнат, ишчанлик, катта ирода ва маҳорат билан моҳирона енгиб келган. Ҳамиша шундай бўлган ва бундан буён ҳам шундай бўлади. Бунга КПСС ленинча аграр сиёсатининг бунёдкорлик кучи гаров бўла олади.

КПСС Марказий Комитетини, Сиёсий бюрони, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтириб шуни айтишга ижозат бергайсизки, Совет Ўзбекистони коммунистлари, барча меҳнаткашлари июль Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида фидокорона ва кунт билан ишлажаклар. Улар Ленин партиясининг қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга доир улуғвор планларини, КПСС XXV съезди қўйган вазифаларни бажариш учун кучларини аямайдилар.

(Ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклади зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Халқ манфаатини кўзлаб

ҚОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг раиси, Бош министр Нур Муҳаммад Тараки Эрон радиоси ва телевиденеси орқали сўзлаган нутқида бундай деди: мамлакатдаги социал адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишларини таг-туби билан йўқотиш, чинакам халқ манфаатларини ҳимоя қилиш Халқ Демократик партиясининг ва давлатнинг олий мақсадидир.

Н. Тараки янги ҳукуматнинг режаларига тўхталиб, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар бошланганлигини айтди. Бу ислоҳотларнинг энг асосий вазифаси кишини-киши эксплуатация қилишидан холи бўлган гуллабяшнаётган жамиятни барпо этишдир. У Афғонистон Демократик Республикаси бутун афғон халқи тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда қабул қилинган қарорларни изчиллик билан амалга ошириш ниятида эканлигини айтди. Республиканинг тараққиёти ва ривожланиши йўлида тўсқинлик қилишга уринган реакцион унсурларнинг ҳар қандай иғвогарликларига қатъий зарба берилади.

Н. Тараки АДРда турли партияларнинг сиёсий ҳаётда иштироки тўғрисидаги саволга жавобан бундай деди: революция ғалаба қозониши билан барча ватанпарварлар Афғонистон Халқ Демократик партияси (АХДП) теварагига жипслашдилар. Бу партия Афғонистонда ягона умуммиллий, ватанпарвар ва демократик партиядир. Жуда яқин орада, деди у, мамлакатда газета нашр қилина бошланади. Бу газета АХДПнинг марказий органи бўлади ва революция манфаатларини ҳимоя қилади, партиянинг фаолиятини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Н. Тараки республика ҳукумати империализмнинг АДРга қарши кирдикорларини барбод этиш учун зарур чораларни кўраётганлигини уқтириб ўтди. Шунинг учун ҳам, деди у, халқ манфаатларини ҳамда революция ғалабаларини ҳимоя қилиш бизнинг қуролли кучларимизни мустаҳкамлашни зарур қилиб қўйди. Лекин айни вақтда Афғонистон, деб таъкидлади Н. Тараки, барча мамлакатлар билан ҳар тарафлама дўстона муносабатларни ўрнатишга интилади ва низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш учун курашади.

(ТАСС).

МИСР ПАХТАСИНИНГ МУАММОЛАРИ

ҚОҲИРА. Миср қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлмиш пахтачилик кейинги йилларда ҳукуматнинг планлаштириш ва маҳсулотнинг шу турига нарх-наво қўйишда йўл қўйган муҳим хатоликларидан келиб чиққан каттагина қийинчиликларни кечирмоқда.

Масалан, «Ал-аҳоли» газетасининг ёзишича, ўтган беш йил ичида мамлакатда пахта етиштириш учун сарфланган умумий харажатлар икки баравардан зиёд кўпайган. Иш қуроли нархи, ҳамда деҳқонларга бериладиган ер участкаларининг ижара ҳақи ошганлиги шунга сабаб бўлди. Айни маҳалда ҳукумат пахтанинг харид нархларини салгина кўтарди, натижада пахтакор хўжаликларнинг оладиган даромадлари бирданига пасайиб кетди.

Шу муносабат билан деҳқонлар пахтазорларни камайтириб, бошқа экин экиш пайида бўлмоқдалар. Маъмурларнинг рухсатисиз хўжаликларнинг бундай ўзбошимчаликлари тақиқлаб қўйилган бўлсада, «тартиббузувчилар» тобора кўпаймоқда. Эндиликда улар юз минглаб кишига етди.

Буларнинг ҳаммаси мисрлик экономистларни ташвишлантирмоқда. Мамлакатнинг энг муҳим экспорт жамғарма манбаларидан бири бўлмиш пахта етиштириш ҳажми ҳозир 1969 йилги даражанинг атиги 80 процентини ташкил қилади. Кўсак қурти пахтазорларнинг анчагина қисмига шикаст етказганлиги сабабли шу мавсумда аҳвол янада ёмонлашиши мумкин.

(ТАСС).

Тошқин оқибатлари

ДЕҲЛИ. Узоқ давом этган сел натижасида Брахмапутра, Биас, Сатлеж, Гандак, Рапти ва бошқа дарёлар тошиб, Ҳиндистоннинг Ассом, Биҳар, Уттар-Прадеш, Ҳимачал-Прадеш ва Махараштра штатларининг катта-катта территорияларини сув босди.

Табиий офат натижасида 700 га яқин киши нобуд бўлди. Мамлакат хўжалиги ҳам жиддий моддий зарар кўрди. Ўн минглаб уй-жой ва маъмурий бинолар вайрон бўлди, икки мингдан ошиқ қишлоқни сув босди, 8 миллиондан зиёд киши бошпанасиз қолди. Неча ўнлаб кўприклар ва дамбалар вайрон бўлди, тош йўлларнинг кўплари ўпирилиб кетди, телеграф ва телефон алоқаси узилиб қолди, энергия ва сув таъминоти тўхтаб қолди.

Маъмурлар тошқиндан зарар кўрган районларнинг аҳолисига шошилинч ёрдам кўрсатмоқдалар. Қутқариш ишларига армия қисмлари жалб этилган. Вертолётлар ва катерлар аҳолига озиқ-овқат, ичимли сув, кийим-кечак ва дори-дармон етказиб бермоқда. Махсус медицина группалари вабо тарқалишига йўл қўймаслик учун профилактик эмлаш ўтказмоқда.

(ТАСС).



Польша Халқ Республикаси. Хушманзара Польша Татраси ҳамиша туристларни ўзига жалб этади. Экскурсия қатнашчиларининг, чанғичиларнинг, альпинистларнинг хавфсизлиги тўғрисида тоғ қутқариш хизмати ғамхўрлик қилади. Ана шу хизмат махсус курсларда ва мактабларда узоқ тайёргарликдан ўтган, катта тажриба тўплаган турли касбдаги кишиларни ўз сафига бирлаштиради.

Қутқарувчилар ихтиёрида радио аппаратлари, ҳар қандай тўсиқлардан ўта оладиган автомашиналар, моторли аравачалар ва чаналар, вертолётлар, ўргатилган итлар бор.

СУРАТДА: қутқарувчилар машқ ўтказишмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

КУРОРТ ЗОНАСИ КЕНГАЯДИ

БУДАПЕШТ. Венгрияда Балатон кўли атрофидаги курорт зонасини кенгайтириш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Илгари бу зонага кўл соҳилигина киритилган эди. Автомобиль туризми тез ўсиши муносабати билан эндиликда Балатон соҳилидан йироқдаги территориялар ҳам аста-секин дам олиш зоналарига айлантирилмоқда.

Лойиҳа Балатон кўлининг бутун соҳилидаги районда 340 минг гектар майдонни курортга айлантиришни кўзда тутади. Бу ерда янги манзилгоҳлар барпо этилади. Транспорт алоқаси йўлга қўйилади, маиший хизмат яхшиланади, шунингдек тарихий ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ташкил этилади.

ЯНА ЙИГИРМАТАГА КУПАЙДИ

Шаҳримизда биринчи такси машиналарининг пайдо бўлганига 40 йилдан ошди. Ҳозир республикамиз пойтахтидаги 6 та паркда 3 мингдан ортиқ енгил такси машиналари йўловчилар хизматида бўлмоқда.

Аҳолига янада қулайлик туғдириш мақсадида «Главташпассавтотранс» бошқармаси ҳар бир метро станциясида таксилар тўхтайдиган жойни ташкил этди. Шунингдек, Юнусобод ва Қорақамиш массиви аҳолиси учун ва «Тошкент» автостанциясига борувчилар учун диспетчер хоналари жорий қилиниб бу ердан ҳар бир йўловчи қўшимча такси чақириши мумкин.

Яқинда шаҳримиздаги такси парклари «ГАЗ-24» маркали автомобиллардан 20 тасини олди. Бу машиналар

БУГУН

йўловчилар хизматига чиқарилди. Бу машиналар олдинги таксилардан ранги билан фарқ қилиб унинг кўриниши оч қизилдир. Йил бошидан бери «Главташпассавтотранс» корхоналари 325 та енгил машиналар олди. Бу рақам йил охиригача 400 тага етади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1978 ЙИЛ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИДАН ҲАМДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ДОКЛАДИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ

(Боши 1-бетда).

йиллик ҳажми тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 17.4 процент кўпайди. Давлатга пландан ташқари 382 минг тонна пахта, 525 минг тонна дон, 923 минг тонна мева-сабзавот, 55 минг тонна гўшт ва бошқа кўпгина маҳсулотлар сотилди.

Пленум қўлга киритилган натижаларга ижобий баҳо бериш билан бирга қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган даража аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса хом ашёга бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларига ҳали жавоб бермайди, деб ҳисоблайди. Бир қанча хўжаликларда ишлаб чиқаришни, хусусан чорвачиликни юксалтириш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётир. Уларда гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш суст бормоқда, алмашлаб экишни ўзлаштиришда камчиликларга йўл қўйилмоқда, озуқа экинларининг ҳосилдорлиги паст.

Давлат ва план интизомининг бузилганлигини кўрсатувчи фактлар ҳали барҳам топган эмас. 1977 йилда гўшт тайёрлаш соҳасида Шофиркон, Қизилтепа, Урганч, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Самарқанд районлари ва бошқа баъзи районлар давлатдан қарздор бўлиб қолди. Шу беш йилликнинг икки йили мобайнида пахта, дон ва мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш планларини бажармаган колхоз ва совхозлар бор.

Қишлоқ қурилиши ҳамон кейинда қолмоқда. Колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш ва маданий-маиший қурилишни ривожлантиришдаги эҳтиёжлари тўла қондирилмаётир. Лойиҳалаш-смета ишларида нуқсонлар бор.

Пленум айрим камчиликлар, баъзи партия комитетлари ва партия ташкилотларининг қишлоқда содир бўлаётган иқтисодий ва социал ўзгаришларга кўпинча чуқур эътибор бермаётганликлари билан, янги вазифаларни баъзан эски методлар воситасида ҳал этишга уринаётганлиги, ҳаёт, илғор фан ва практика кун сайин яратиб бераётган янгиликларни пайқамаётганлиги билан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш учун вужудга келаётган янги имкониятлардан фойдаланмаётганликлари билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Айрим ходимлар ишнинг аҳволига танқидий баҳо бермаётирлар, эришилган натижаларни ва қийинчиликларни бўрттириб кўрсатмоқдалар.

Қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида оммавий-сиёсий иш суст уюштирилган районлар ва хўжаликлар ҳали бор, пропаганда ва агитация воситаларининг юксак таъсирчанлиги тўғрисида лозим даражада ғамхўрлик қилинмаяпти, социалистик мусобақани ташкил этишга расмиятчилик билан қарашга кўпинча йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми **қарор қилади:**

1. КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорлари, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан Марказий Комитет Сиёсий бюроси ишлаб чиққан ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида баён этилган тадбирлар тўла-тўкис маъқуллансин ва оғишмай бажариш учун қабул қилинсин.

2. Область, шаҳар ва район партия комитетларига, совет ва қишлоқ хўжалик органларига, республика министрликлари ва идоралари, саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, бошланғич партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида, ушбу қарорда ва ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладида диққат-эътибор жалб этилган камчиликларни йўқотиш борасида зарур ташкилий-хўжалик тадбирларини амалга ошириш топширилсин, ҳар бир колхоз ва совхознинг, ҳар бир хўжаликлараро корхона ва бирлашманинг деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини анча ўстиришни таъминлашига, ўнинчи беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга эришилсин.

3. Пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш, бошқа ҳамма тармоқларни ҳар томонлама тез ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини анча ошириш бундан буён ҳам республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг асосий йўналиши, деб ҳисоблансин, токи мамлакат халқ хўжалигини пахта билан таъминлашдан иборат асосий вазифани бажара бориб, республиканинг гўшт, сут, тухум ва бошқа энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини ўзида тобора кўпроқ етиштириш йўли билан республиканинг озиқ-овқат базаси тез суръатлар билан мустаҳкамлансин.

Шаҳар ва қишлоқ турмушининг моддий ва маданий-маиший шароитларини бир-бирига яқинлаштиришни таъминлаш соҳасидаги ишлар тобора кучайтирилсин.

Область ва район партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари колхозчилар ва совхоз ходимларининг, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларининг диққат-эътиборини асосан ҳосилдорликни ошириш йўли билан пахта етиштиришни кўпайтириш учун резервлар ва имкониятларни қидириб топиш ҳамда улардан тўлиқ фойдаланишга қаратсинлар, айрим хўжаликларда ҳосил кам етиштирилаётганлигининг сабабларини ҳар томонлама аниқлаб чиқсинлар ва нуқсонларни тугатишда, фан ютуқлари ва илғорларнинг бой тажрибасидан кенг фойдаланишда уларга ёрдам берсинлар.

1980 йилда 6 миллион тонна пахта тайёрлашни таъминлаш мақсадида шу йилнинг ўзидаёқ 5 миллион 700 минг тонна, 1979 йилда эса 5 миллион 850 минг тонна пахта етиштириш учун кураш олиб бориш зарур.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросига ва республика Министрлар Советига ингичка толали пахтанинг ялпи ҳосилини 1980 йилда 400 минг тоннага ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб 500 минг тоннагача етказиш учун уни етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан энг зарур чоралар кўришни топширди. Қоида тариқасида бутун-бутун районларни ингичка толали пахта етиштириш учун ихтисослаштириш зарур, деб ҳисоблансин. Ингичка толали пахта етиштирувчи районлар, хўжаликлар ва пахтакорларни рағбатлантириш учун моддий ва маънавий омиллар системаси ишлаб чиқилсин.

4. Партия комитетлари, барча қишлоқ хўжалик органлари, колхозлар ва совхозлар пахтанинг сифатини ошириш, пахта териш, машинада териб олинган пахтани ташиб олиш, қуритиш, тозалаш ва сақлаш юзасидан белгиланган технологияга қаттиқ риоя қилиш соҳасида таъсирчан тадбирларни амалга оширсинлар.

Пахта тозалаш саноати министрлиги қуритиш-тозалаш заводларини ва пахта, тола ҳамда уруғлик чигит сақланадиган омборларни қуриш суръатларини кескин равишда оширсин, машинада терилган пахтани қайта ишлаш ва тозалаш технологиясини такомиллаштириш соҳасидаги тажриба-конструкторлик ишларини кучайтирсин, бригадаларнинг пахтасини алоҳида-алоҳида қабул қилиш ва унга баҳо бериш усулига кўчиш тўғрисидаги масала тезроқ ҳал этилсин.

Деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа ҳамма маҳсулотлари сифатини яхшилаш юзасидан таъсирчан тадбирлар кўрилсин. Самарадорлик ва сифатни ошириш учун кураш — қишлоқ хўжалигидаги ҳар бир меҳнатчининг, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган тармоқлардаги барча ходимларнинг жанговар шиори бўлиб қолиши керак.

5. Дон, хусусан маккажўхори ва шоли етиштиришни муттасил кўпайтира боришни таъминлаш — республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим вазифаларнинг бири, деб ҳисоблансин.

Республика Госплани, Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, Узплодоовощвинпром, Главсредазирсовхозстрой, Тайёрлаш министрлиги, маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозлар дон етиштиришни анча кўпайтириш тадбирларини ўз планларида кўзда тутсинлар ва амалга оширсинлар, токи 1980 йилда доннинг ялпи ҳосили 4 миллион тоннага, шу жумладан маккажўхори камида 1.8 миллион тоннага ва шоли 600 минг тоннага етказилсин.

Госплан ўн биринчи беш йиллик планини ишлаб чиқиш вақтида дон етиштиришни анча кўпайтиришни кўзда тутсин. Амударё этакларида шоли етиштириш учун бундан буён ҳам ихтисослаштирилган совхозларни ташкил этиш зарур. Маккажўхори етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш керак. Бу эса чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базасини яратиш имконини беради.

Лалмикор ерларда ҳосилдорликни ошириш учун деҳқончилик маданиятини юксалтириш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилсин, кўлмак сувлардан фойдаланишга, агротехникани яхшилашга, барқарор ҳосил олиш учун бошқа шароитларни вужудга келтиришга алоҳида эътибор берилсин.

Тайёрлаш министрлиги дон қабул қиладиган ва уни қайта ишлайдиган корхоналар базасининг анча ривожлантирилишини, дон қуритиш хўжалиги қувватларининг оширилишини таъминласин. Бу чора шолини янчиш сифатини яхшилаш имконини беради.

6. Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, республика Қишлоқ хўжалик министрлигига, Узплодоовощвинпромга, колхоз ва совхозларга сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштиришни анча кўпайтириш учун имкониятлар ва резервлардан тўлароқ фойдаланиш, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қўйган вазифанинг — 1980 йилда мева-сабзавот маҳсулоти етиштиришни 6 миллион тоннага етказиш вазифасининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш топширилсин.

Пахтакор хўжаликларни товар ўрнида ишлатиладиган мева-сабзавот маҳсулоти етиштиришдан тамомила озод қилиш учун мева-сабзавотчилик соҳасида ихтисослаштириш шу беш йилликнинг охиригача тугаллансин.

Саноат асосида йирик уруғчилик хўжаликларини вужудга келтириш йўли билан сабзавот-полиз экинлари уруғчилигини яхшилаш юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширилсин.

Боғдорчиликни ва узумчиликни, аввало мавжуд боғлардаги ток ва мева дарахтларини тиғизлаш, сийраклигини тугатиш ҳисобига интенсивлаш таъминлансин. Тоғ этаклари зонасидаги катта-катта ер массивларини ўзлаштириб, токзорлар барпо этиш, бундай ерларда ихтисослаштирилган совхозлар тузиш йўли билан узум етиштиришни ўн биринчи беш йиллик охирига бориб 1,5 миллион тоннага ва майиз тайёрлашни 100 минг тоннага етказиш имкониятидан тўла фойдаланилсин.

7. Чорвачиликни ривожлантиришни бутун чоралар билан тезлаштириш, гўшт, сут, тухум етиштиришни шу беш йилликнинг охирига бориб 1,8-2 баравар кўпайтириш республика қишлоқ хўжалигидаги асосий вазифалардан бири ҳисоблансин. Шу вазифани ҳал этишга бутун партия ташкилотининг, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг, барча қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг диққат-эътиборини қаратиш зарур. Чорвани кўпайтириш билан бирга чорва ва паррандаларнинг маҳсулдорлигини мумкин қадар тезроқ ошириш мақсадида мавжуд резервлар ва имкониятлардан тағин ҳам тўлиқроқ фойдаланиш зарурлигига эътибор берилсин. Чорвачиликни изчиллик билан саноат негизига ўтказиб, хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси базасида чорвачиликдаги ихтисослаштириш ва концентрациялаш кучайтирилсин. Мол гўшти, қўй гўшти, чўчқа гўшти, парранда ва қуён гўшти, балиқ етиштиришни кўпайтирмоқ учун имкониятлардан тўла равишда фойдаланилсин.

Ўнинчи беш йиллик охиригача бўрдоқичилик хўжаликларида ва фермаларида чорвани семиртиришнинг ўртача миқдорини анча оширишга эришилсин. Топширилаётган ҳар бир бош қорамолнинг ўртача вазни 400-450 килограммга етказилсин. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги анча оширилсин. Ҳар бир сигирдан бир йилда соғиб олинаётган сутнинг миқдори колхоз ва совхозларда 2500 килограммга, сутчилик комплексларида 3000-3500 килограммга етказиш таъминлансин.

Матлубот кооперациясининг бўрдоқичилик пунктларида, корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида, шунингдек аҳолининг шахсий хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга доир барча зарур чоралар кўрилсин, уларга ёш молларни ва озуқаларни сотиб олишда ёрдам бериб турилсин.

8. Озуқа ишлаб чиқаришни яхшилашга доир турли чора ва тадбирларни амалга ошириш энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа, деб ҳисоблансин. Яқин йиллар ичида ҳар бир хўжаликда чорвачилик учун мустаҳкам ва доимий озуқа базасини вужудга келтириш лозим. Бунинг учун зарур миқдорда суғориладиган ерлар ажратилсин, уларнинг ҳосилдорлиги оширилсин. Ихтисослаштирилган асосда озуқа етиштириш ташкил этилсин. Ем-хашак тайёрлаш ва уни қайта ишлашда кооперация ва агросаноат интеграцияси бутун чоралар билан ривожлантирилсин.

Область ва район партия комитетларидан, совет ва қишлоқ хўжалик органларидан, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан пахта, беда ва бошқа дала алмашлаб экишни ўзлаштириш планларини ҳеч сўзсиз бажариш талаб қилинсин. Озуқа экинларини такрорий, аралаштириб ва устма-уст экиш кенгайтирилсин. Озуқа етиштиришда моддий рағбатлантириш кучайтирилсин. Давлат ва хўжаликлараро корхоналарда омихта озуқалар ишлаб чиқувчи қувватлар тезроқ кўпайтирилсин ва бундай озуқалар ишлаб чиқариш оширилаверсин. Чорвачилик эҳтиёжларига сарфланадиган доннинг ҳаммасини молларга қайта ишланган ва мутаносиблаштирилган ҳолда беришга эришилсин. Республика Тайёрлаш министрлиги омихта озуқалар сифатини яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўрсин.

9. Пленум пиллачиликни саноат негизига ўтказишга доир асосий тадбирларни амалга оширишни тезлаштириш зарур деб ҳисоблайди. Госплан, Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Узплодоовощвинпром», «Главсредазирсовхозстрой» пиллачиликни ривожлантиришга ажратилаётган капитал маблағларни анча кўпайтиришни беш йилликнинг қолган йилларига мўлжалланган планларда ва айниқса ўн биринчи беш йилликда кўзда тутсинлар, токи 1985 йилда жамики ипак қуртининг камида ярмини жамоат биноларида ва комплексларда боқиладиган бўлсин. Пиллачиликни саноат негизига ўтказиш чоғида хўжаликлараро кооперациядан кенг фойдаланилсин.

Пилла етиштиришни 1980 йилда 31 минг тоннага ва 1985 йилда 35 минг тоннага етказиш вазифа қилиб қўйилсин.

10. Партия, совет, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги органларининг колхозлар ва совхозларнинг диққат-эътибори ирригацияни ва ерларни мелиорация қилишни, химиялаштиришни ва комплекс механизациялашни бутун чоралар билан янада ривожлантиришга, қишлоқ хўжалигини интенсивлашнинг асосий омиллари бўлган деҳқончилик маданиятини оширишга қаратилсин.

«Главсредазирсовхозстрой», Қишлоқ хўжалик министрлиги, республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Узплодоовощвинпром», «Узглавводстрой», область ва район партия комитетлари, совет органлари зиммасига 462 минг гектар янги суғориладиган ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш борасида ўнинчи беш йиллик топшириқларини ҳеч сўзсиз бажаришни таъминлаш вазифаси юклатилсин. Ер массивларини комплекс ўзлаштириш бундан буён ҳам бутун чоралар билан ривожлантириш, бу ишдаги мавжуд камчиликларни қатъият билан тугатиш зарур.

Суғориш учун сув танқислиги тобора кескинлашиб бораётганлигини ҳисобга олиб, сувни сарфлашда қаттиқ тежамли бўлишни, қатъий режим ўрнатишни таъминлаш учун мумкин бўлган ҳамма чоралар кўрилсин.

Пленум область, шаҳар ва район партия комитетларининг, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг ва бошланғич партия ташкилотларининг диққат-эътиборини пахтачиликдаги ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа ҳамма тармоқларидаги ишларни механизациялаш даражасини янада ошириш зарурлигига жалб қилади. Ҳамма жойда кенг қаторлаб экишга ўтиш, чигитни аниқ миқдорда экиш ва механизациялашган чеканка қилиш ишларининг ҳажмини кўпайтираверишпахтачиликдаги суғориш ишларида ва бошқа ишларда механизациялаш даражасини ошириш зарур. Машинада териладиган пахтани 1978 йилда 65-70 процентга, 1979 йилда 75-80 процентга ва 1980 йилда 85-90 процентга етказиш пахтачиликдаги энг муҳим вазифаларнинг бири қилиб қўйилсин.

Ўн биринчи беш йилликда пахтачиликни комплекс механизациялаш тўла-тўкис тугаллансин, мева-сабзавотчиликда ва чорвачиликда бу ишларни механизациялаш даражаси кескин равишда кучайтирилсин.

Колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишни яхшилаш чоралари кўрилсин.

«Союзмашхлопководство» бирлашмаси зиммасига пахтачилик учун МТЗ-80Х трактори билан ишлатиладиган янги машиналарни, биринчи навбатда иқтисодий кўрсаткичлари тағин ҳам юксакроқ даражада бўлган янги пахта териш машиналарини кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этишга доир тайёргарлик ишларини тезлаштириш мажбурияти юклансин. Қишлоқ хўжалик машинасозлигини янада ривожлантиришга, заводларни реконструкция қилиш ва янги цехлар қуриш йўли билан уларнинг қувватини оширишга доир қўшимча чоралар кўрилсин.

Пленум Қишлоқ хўжалик министрлигининг, «Узплодоовощвинпром», «Главсредазирсовхозстрой»нинг, «Узсельхозтехника» бирлашмасининг, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими, республикадаги қишлоқ хўжалик илмий муассасалари ва олий ўқув юртлари раҳбарларининг диққат ва эътиборини қишлоқ хўжалигини химиялаштиришни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, минерал ўғитлардан, гербицидлардан ва бошқа химиявий воситалардан тағин ҳам самарали фойдаланиш, атроф-муҳитга зарарли таъсир ўтказишнинг олдини олиш зарурлигига жалб қилади. Зараркунандалардан ва касалликлардан ҳосилни ҳимоя қилишнинг биологик методларини жорий қилишни қатъият билан кенгайтириш, областлар ва районларда асосан хўжаликлараро асосда биофабрикалар ва биолабораториялар қуришни таъминлаш ва шу тариқа икки-уч йил ичида барча хўжаликларда биологик методларни жорий қилиш лозим.

11. Хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришни ва концентрациялашни янада ривожлантириш ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалигини интенсивлашнинг асосий йўналишларидан бири деб ҳисоблаб, пленум Госпланга, министрликлар ва идораларга, область, шаҳар ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарларига шу тадбирларни, биринчи навбатда мева-сабзавотчилик соҳасида асосан шу беш йилликда амалга оширишни мақсад қилиб олиб, бу тадбирларни тезлаштириш ва тугаллашни план асосида олиб бориш вазифасини юклайди.

Чорвачиликда ва бошқа барча тармоқларда, шунингдек, ерларни мелиорация қилиш ишларида, озуқа ишлаб чиқаришда, ғунажинлар етиштиришда, қишлоқ хўжалик ўсимликларининг касалликлари ва зараркунандалари билан курашнинг биологик чораларини ривожлантиришда, колхозлар ва совхозларга ишлаб чиқариш хизмати ва маданий-маиший хизмат кўрсатишда хўжаликлараро кооперацияни бутун чоралар билан кенгайтириш лозим.

12. Пленум республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда қишлоқ хўжалик фанининг ролини ошириш зарурлигига диққат ва эътиборни жалб қилади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими, СоюзНИХИ ва бошқа қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари илмий тадқиқотлар даражасини ва самарадорлигини қунт билан оширишга ҳаракат қилишлари керак.

Биринчи ва иккинчи тип тола берадиган ингичка толали пахтанинг янги сермаҳсул, касалликларга бардош берадиган, тезроқ етиладиган, саноат технологиясига мосланган сортларини, шунингдек тўртинчи ва бешинчи тип тола берадиган ўртача толали сортларни вужудга келтириш ва кўпайтириш тезлаштирилсин.

Дуккакли дон экинларининг ва озуқа экинларининг, сабзавот, мева, узумнинг юқори сифатли сортларини, шунингдек қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг янги зотларини етиштиришга доир илмий ишлар кенгайтирилсин.

Уруғчиликни, наслчилик ишини, айниқса сут ва гўшт чорвачилигидаги наслчилик ишини яхшилаш мақсадида В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими маккажўхори, беда, сабзавот, полиз экинлари, каноп уруғчилиги билан шуғулланадиган, шунингдек наслчилик соҳасида чорвачиликда ва пиллачиликда иш олиб борадиган илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этиш тўғрисидаги масалани манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда ўрганиб чиқсин ва бу тўғрида таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон ССР нарх давлат комитети зиммасига пахтанинг ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини табақалаштиришни чуқурлаштиришга доир конкрет таклифларни республиканинг тегишли илмий муассасалари билан биргаликда ишлаб чиқиш ва шу тариқа қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтиришнинг таъсирчан воситаси сифатида нархлардан фойдаланиш вазифаси юклатилсин.

14. Қишлоқда иқтисодий ишларни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва хўжалик ички жамғармаларини кўпайтириш, иқтисодий тежамкорликни кучайтириш ва исрофгарчилик билан курашиш партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблансин. Фан муваффақиятларидан ва илғорлар тажрибасидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш учун тўлиқроқ фойдаланиш зарур.

15. Пленум қишлоқдаги капитал қурилиш ҳажмини ва суръатларини бутун чоралар билан ошириш, қишлоқ қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бу ташкилотларда муқим ишлайдиган меҳнат коллективларини вужудга келтириш зарурлигига партия, совет, қурилиш ташкилотларининг, республика министрликлари ва идораларининг, монтажчи корхоналар раҳбарларининг диққат-эътиборини жалб қилади.

Госстрой, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Узколхозстрой» бирлашмаси, бошқа қишлоқ қурилиш идоралари ва ташкилотлари республикада қишлоқ қурилиши индустрияси учун ихтисослаштирилган корхоналар барпо қилиш ва уларни ривожлантириш, бундай корхоналарда қишлоқларда чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари, минерал ўғит омборлари, шунингдек уй-жой бинолари, болалар муассасалари ҳамда бошқа бинолар ва иншоотлар қуриш учун заводда тўла равишда тайёрлаб бериладиган тежамли буюмларнинг комплектларини ишлаб чиқариш чораларини амалга оширсинлар ва шу асосда индустрлаштириш даражасини юксалтирсинлар ҳамда қишлоқ объектларини қуриш муддатларини қисқартирсинлар.

Колхоз ва совхозларда ҳамма қулайликлари бўлган шаҳар типидаги посёлкалар кўпайганлигини назарда тутиб, улардан тўғри фойдаланишга, қишлоқда Қишлоқ хўжалиги министрлигининг хўжаликларга коммунал хизмат кўрсатиш базалари ва бўлимларини ташкил қилишга эътиборни кучайтириш зарур.

16. Қишлоқ хўжалигини кадрлар билан, айниқса ўрта бўғин кадрлари ва механизаторлар билан таъминлашга партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари керак.

Госпланга, Қишлоқ хўжалиги министрлигига, Ҳунар-техника таълими давлат комитетига, Маориф министрлигига манфаатдор министрликлар ва идоралар иштирокида биринчи навбатда механизаторлар, бинокорлар ва маданий-маиший ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш кадрларини тайёрлаш учун ҳунар-техника билим юртларини кўпайтириш масаласини колхоз ва совхозлардаги умумий таълим ўрта мактабларининг бир қисмини ҳунар-техника билим юртларига айлантиришни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқиб, бу ҳақдаги таклифни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукуматига тақдим этиш топширилсин.

17. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, саноат, қурилиш ва транспорт корхоналарининг раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдами беришни кучайтирсинлар, бу ишларни муайян мақсадни кўзлаб план асосида олиб боришни таъминласинлар.

18. Пленум партия комитетлари зиммасига қишлоқдаги ташкилотчилик ишлари даражасини ошириш вазифасини юклайди. Қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашнинг ҳозирги босқичида барча бўғинларга партиявий раҳбарликни яхшилаш, иш услубини, метод ва формаларини такомиллаштириш зарур. Колхоз ва совхоз, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан алоқадор қурилиш, агросаноат, мелиорация, қайта ишлаш корхоналари ва бошқа корхоналар ҳамда муассасалар бошланғич партия ташкилотларининг роли оширилсин. Коммунистларни ишнинг асосий участкаларида жой-жойига қўйиш яхшилансин, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча участкаларида коммунистларнинг авангардлик ролини оширишга эришилсин, партия, давлат ва план интизоми тобора мустаҳкамлансин. Қишлоқ район партия комитетлари ишининг таъсирчанлиги ва самарадорлиги оширилсин, қишлоқдаги партиявий раҳбарликнинг асосий сиёсий органлари юксак даражада мўътабар бўғинлари сифатидаги уларнинг роли, таъсири ва масъулияти янада оширилсин.

Партия ташкилотлари фойдаланилмай ётган резервларга асосий эътибор берсинлар, ҳар бир коллективнинг ва ҳар бир меҳнатчининг қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришдан иборат умумхалқ ишида ўз иштирокини конкрет равишда белгилаб олишга эришсинлар.

Колхоз ва совхоз раҳбар кадрларини, айниқса ўрта бўғин кадрларини — қишлоқ хўжалигини юксалтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган бўлимларнинг бошқарувчиларини, бригада бошлиқларини, ферма мудирларини, механизаторларни тайёрлаш ва тарбиялаш масалаларига эътибор кучайтирилсин.

Кенг оммавий тушунтириш ишларини олиб бориш, қишлоқ меҳнатчиларининг ижодий изланишларини ва ташаббускорлигини ҳар доим қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш қишлоқ партия ташкилотларининг, Советлар, касаба союз ва комсомолнинг биринчи даражадаги бурчи ва вазифасидир.

Ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибасини, ажойиб ишларни бошлаб берган ташаббускорларнинг тажрибасини пропаганда қилишга катта эътибор берилсин. Қишлоқда мусобақани ташкил этишдаги камчиликлар принципиал танқид қилиниб турилсин. Бу ишда матбуот, телевидение ва радио, барча оммавий ахборот воситаларининг, оғзаки сиёсий агитациянинг роли оширилсин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми КПССнинг ленинчи Марказий Комитетини, Марказий Комитет Сиёсий бюросини, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтириб шуни маълум қиладики, партия ташкилотлари, колхозчилар, совхоз ходимлари, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари, олимлар, республиканинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми тарихий қарорларини бажариш учун фидокорлик ва қатъият билан курашадилар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш, КПСС XXV съезди томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун кучларини аямайдилар.

БУГУН — КУБА МИЛЛИЙ ҚЎЗҒОЛОНИ КУНИ

Озодлик ороли байрами

Ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқ ҳаёти тарихида бурилиш даври бўлади. Дунёнинг Ғарбий ярим шарида жойлашган социалистик Куба учун 26 июль ана шундай сана бўлиб қолди.

Чорак аср муқаддам Фидель Кастро бошчилигидаги ёш революционерлар группаси зўр жасорат кўрсатиб, Сантьяго-де Куба шаҳридаги Монкада казармасига ҳужум қилдилар. Икки ўртада бўлган жанг беш соат давом этди. Кучлар тенг эмасди. Яхши қуролланмаган, лекин довюрак ва ўз ғояларига содиқ бўлган қўзғолончилар мағлубиятга учрадилар. Аммо уларнинг Монкада казармасига қилган ҳужуми Куба революциясининг муқаддимаси бўлди. Бу кун Америка қитъасидаги биринчи социалистик давлатнинг ташкил топишига асос солди.

Фидель Кастро бошчилигидаги исёнчилар армияси, унинг сиёсий ташкилоти — «26 июль ҳаракати» Кубадаги барча революцион кучларни бирлаштирди. 1959 йилнинг биринчи куни революцион армия бутун халқнинг мададига таяниб, Батиста диктатурасини ағдариб ташлади.

Миллий қўзғолоннинг 25 йиллиги кенг нишонланаётган Озодлик оролида катта тарихий ўзгаришлар юз берди. Революция ғалабасидан кейин мамлакатда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар империалистлар ҳукмронлиги давридан қолган иллатларни тугатиш, халқ хўжалигини янги социалистик асосда реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш имконини берди. Эндиликда Куба эришган муваффақиятлар бутун жаҳон томонидан эътироф этилди.

Куба халқи ўзининг қаҳрамонона куч-ғайрати ҳамда Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг ёрдами туфайли янги жамиятни муваффақиятли қурмоқда. СССР ва Куба ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб кенгайиб боряпти.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ ВАТАНИДА

САРАТОВ, 25 июль. Н. Г. Чернишевский туғилган куннинг 150 йиллиги шарафига кеча унинг юртида катта байрам бўлиб ўтди. «Волга Прометейи»нинг хотирасини иззат-икром билан эслаш учун ёзувчилар, олимлар, актёрлар, шаҳар жамоатчилиги тўпланди. «Бу уйда 1828 йил 24 июль куни буюк рус революцион демократи Николай Гаврилович Чернишевский туғилган ва 1853 йилга қадар яшаган» деб ёзилган ёдгорлик тахтаси очилди.

Ёзувчи ва файласуф илм олган ва кейинчалик муаллимлик қилган мактаб биносида ҳам шу куни ёдгорлик тахтаси ўрнатилди.

Буюк юртдошларининг хотирасини абадийлаштириш учун Саратовда кўпгина ишлар қилинган. Мамлакатда энг кекса шу ердаги университет, академик опера ва балет театри, майдон ва кўча унинг номи билан аталган. Саратов областидаги совхоз ва иккита колхозга Чернишевский номи берилган.

Н. Г. Чернишевскийнинг шаҳар марказидаги ҳайкалига ва унинг қабрига гулчамбарлар ва гуллар қўйилди.

ШАРҚ ДУРДОНАСИ

ДЕҲЛИ, 25 июль. (ТАСС). Самарқандни Ҳиндистонда ҳақли равишда Шарқ дурдонаси деб аташади. Совет ҳукумати, деб ёзади нуфузли «Ҳинду» газетаси, машҳур архитектура обидаларини сақлаб қолиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилмоқда. Шердор мадрасасини таъмирлаш ишлари яқинда тамомланди. Улуғбек мадрасасининг жануби-шарқий минорасини мустаҳкамлаш юзасидан яқинда нодир иш амалга оширилди. Ҳозир Бибихоним мадрасаси қайта тикланмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар, деб таъкидлайди «Ҳинду» газетаси, Самарқандда жами учта мактаб бор эди, ҳар юз кишига иккитагина саводли киши тўғри келарди. Бугун шаҳар аҳолисидан ҳар ўн кишининг бири студент. Бу ерда олтита олий ўқув юрти. Осиёдаги катта университет ишлаб турибди, замонавий саноат тез ривож топмоқда.

Бугунги Самарқанд, деб ёзади пировардида «Ҳинду» газетаси, бу ифтихор ҳис-туйғуларини уйғотадиган шаҳар.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Сиз албатта ўз квартирангизда электр қувватининг ўчиб қолмаслигини, газ асбоблари бузилмаслигини, телевизорингиз ишдан чиқмаслигини истайсиз. Агарда бундай тасодифлар юз берса, авария хизмати уларни қанчалик тезлик билан тузатиб бериши биринчи навбатда сизнинг ўзингизга боғлиқ. Сиз юз берган камчиликлар ҳақида қанчалик тезлик билан хабар қилсангиз, улар шунчалик қисқа муддат ичида бартараф этилади.

БУГУН ШАҲАРДАГИ БАРЧА АВАРИЯ ХИЗМАТИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛИШИМИЗ БИЛАН БИРГА, АНА ШУ ЭЪЛОННИ ҚИРҚИБ ОЛИБ, ДОИМО ФОЙДАЛАНИШ УЧУН САҚЛАБ ҚЎЙИШИНГИЗНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ўт ўчириш командасини —01, милицияни— 02, тез ёрдамни — 03, газчиларнинг авария бригадасини —04 телефони орқали чақиринг.

Сизнинг квартирангизда иссиқликни таъминловчи «Таштеплосеть» шаҳар корхонасининг авария хизматига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин:

32-77-48—Ц—1, Ц—2, Ц—4, Ц—5 кварталларидаги аҳоли учун.

78-40-41, 78-40-76 — Чилонзор массиви аҳолиси учун.

66-10-17, 66-32-58—Шимолий-Шарқ массиви аҳолиси учун.

46-07-14, 46-42-04, 46-52-53— Қорақамиш аҳолиси учун.

46-53-23, 46-53-63— Юнусобод аҳолиси учун.

90-75-11, 90-75-09 — Қўйлиқ массиви аҳолиси учун.

Шаҳар водопровод тармоқларининг ишини таъминловчи «ВОДОКАНАЛ» шаҳар трести бўйича агарда сиз қуйидаги телефонлар орқали марказий диспетчерликка хабар қилсангиз, авария бригадаси зудлик билан етиб келади: 33-15-95, 33-75-95, бундан ташқари, Куйбишев районидан қуйидаги телефонлар орқали қўнғироқ қилиш мумкин: 62-19-33, 62-19-34, 62-75-12.

Собир Раҳимов, Октябрь, Акмал Икромов районидан қуйидаги телефонлар орқали: 46-03-85, 46-03-84.

Фрунзе ва Чилонзор районлари — 78-32-40.

Ленин ва Ҳамза районлари — 96-32-40.

Киров район — 35-14-02, 35-04-01.

КАНАЛИЗАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ ИШЛАМАЙ ҚОЛГАН ТАҚДИРДА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ХАБАР ҚИЛИШИНГИЗ ЗАРУР — **35-61-83** (Киров, Собир Раҳимов районлари); **78-48-85, 78-93-96** (Чилонзор, Акмал Икромов, Фрунзе районлари); **90-04-89** (Ленин, Ҳамза районлари).

АГАРДА СИЗ ГАЗ ПРИБОРЛАРИНИНГ БУЗИЛИБ ҚОЛГАНЛИГИНИ СЕЗСАНГИЗ, ДАРҲОЛ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР БЎЙИЧА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ:

Марказий диспетчерлик: 53-56-19, 53-56-31.
Куйбишев район—35-02-11.
Ленин район —33-49-76.
Фрунзе район — 56-33-20.
Киров район — 35-06-75.
Чилонзор район —77-09-22.
Октябрь район — 44-11-79.
Ҳамза район — 96-39-61.
Собир Раҳимов район — 48-35-48.
Сергели район — 53-88-52.
Акмал Икромов район — 44-11-49.

АГАРДА ҚЎЧАЛАРНИ ЁРИТИШ ВОСИТАЛАРИ БУЗИЛИБ ҚОЛГАН ПАЙТДА «ГОРОСВЕЩЕНИЕ»НИНГ НАВБАТЧИ ДИСПЕТЧЕРЛИГИГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ.

Диспетчерлик телефонлари: 33-16-19, 33-35-64.

БУНДАН ТАШҚАРИ СИЗНИНГ БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР БЎЙИЧА ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Куйбишев район—62-53-17, **Октябрь район**—33-16-19, **Фрунзе район** — 53-17-90, **Ленин район** — 33-62-07, **Чилонзор район** —76-36-63, 76-53-94, **Киров район** — 33-16-19, **Ҳамза район**— 96-49-52; **Собир Раҳимов район**— 44-34-62, **Акмал Икромов район** — 33-16-19, **Сергели район** —53-68-63.

УЙ ИЧКИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ БУЗИЛИБ ҚОЛГАНИДА ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ БУЗИЛИШИ ШАҲАР ИДОРАСИГА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ХАБАР ҚИЛИНГ:

Марказий диспетчерлик — 33-78-46.
Ленин, Ҳамза районлари — 91-23-21.
Киров, Куйбишев районлари — 66-03-01.
Октябрь, Собир Раҳимов, Акмал Икромов районлари — 46-05-31.
Фрунзе, Чилонзор районлари — 77-19-72.
Сергели район — 53-68-63.

ШАҲРИМИЗ ҚЎЧАЛАРИ, МАГИСТРАЛЛАРИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШДА ҚАНДАЙДИР НОЖЎЯ, БЕТАРТИБ ИШЛАР СОДИР БЎЛГАН БЎЛСА, ШАҲАР ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ МАРКАЗИЙ АВАРИЯ — ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИГА БУ ҲАҚДА ХАБАР ҚИЛИНГ. **Унинг телефонлари:** — 33-44-44, 33-55-55.

ШАҲАР УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИНИНГ ЎЗ ИХТИЁРИДА АВАРИЯ ХИЗМАТИ БОР: **Унинг телефонлари:**

Марказий диспетчерлик — 33-37-88, **Ленин район** — 33-56-79, **Фрунзе район** —56-54-39, **Куйбишев район**—33-11-86, **Киров район**— 33-73-19, **Октябрь район**—44-29-74, **Чилонзор район** —78-52-66, **Ҳамза район** — 56-54-39, **Собир Раҳимов район** — 48-43-10, **Акмал Икромов район** — 78-52-66, **Сергели район** — 56-54-39.

СИЗ ЯШАЁТГАН КЎП ҚАВАТЛИ БИНОДА ЛИФТ БУЗИЛИБ ҚОЛСА «ЛИФТРЕМОНТ» РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОН БЎЙИЧА ХАБАР ҚИЛИНГ: **44-25-38.**

Бирлашган қозонхоналар дирекцияси авария хизматининг ҳам телефони бор: 44-15-08.

СИЗНИНГ ТЕЛЕФОНИНГИЗ СИНИБ ҚОЛСА ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАР БЎЙИЧА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

АТС — 33, 32, 35, 56—35-99-11,
АТС—39 —39-81-11,
АТС—90, 91, 96—91-64-64,
АТС —41, 44, 48, 46 — 48-99-11,
АТС — 53, —53-19-00,
АТС — 62, 66—62-64-64,
АТС—76, 77, 78— 78-19-00,
АТС—24— 29-19-00.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ МАРКАЗИЙ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат Комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШИ БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ «ОТДЕЛСТРОЙ» ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ
158-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти шаҳар қурилишларида ишлаш учун қуйидаги касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: қурилиш сувоқчилари (ўқиш муддати — 1 йил), дурадгор-паркетчилар (1 йил), пардозловчи-мозаикачилар (2 йил), пардозловчи-плиткачилар (1 йил), қурилиш дурадгорлари (2 йил), қурилиш бўёқчилари (1—2 йил), сувоқчилар (1 йил), пайвандчи-монтажчилар (1 йил).

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртидаги ўқиш даври иш стажига ҳисобланади.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Ўқишга қабул қилинганлар шаҳар пропискаси, 3 маҳал бепул овқат, формали ва махсус иш кийимлари билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар 33 процент иш ҳақи оладилар.

Область ва районлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма билан юбориладилар ва конкурссиз ўқишга қабул қилинадилар.

Ўқиш — 1 сентябрда бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: директор номига ариза, 3х4 см ҳажмидаги 3 та фотосурат, таржимаи ҳоли, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), туғилганлиги тўғрисидаги справка (286-форма), турар жойидан справка, мактабдан ёки иш жойидан характеристика, шаҳар савдо бўлимидан ёки ошхоналар трестидан йўлланма, ҳарбий хизматга чақирувчилар учёт гувоҳномаси ёки ҳарбий билетини шахсан кўрсатадилар, ота—ёки онасининг иш жойидан справка.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Оқтепа массиви, (13, 32, 34, 36-автобуслар, 4, 9, 11-трамвайларда бориш мумкин).

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ БАЗАСИДАГИ
128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслар составларининг электр ускуналари ва радиоаппаратураларини тузатиш бўйича слесарь-электрик, тортиш подстанцияси диспетчери, саноат ва электр ускуналарв бўйича электромонтёр.

Ўқишга ўрта маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Контакт ва кабель гармоқларининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр, тортиш подстанцияларининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр.

Ўрта маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Трамвай вагонларининг ҳайдовчилари, троллейбус ҳайдовчилари.

Ўрта маълумотли 17 ярим ёш ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Ёнғил юк ва махсус автомашиналар ремонти бўйича автослесарь.

Техника билим юрти программаси бўйича ўқишга қабул қилинганлар ҳар ойда 30 сўмдан стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

трамвай вагонлари ва троллейбусларнинг электр ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь-электрик, ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслар ремонти бўйича слесарь, контакт ва кабель гармоғининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр, металл бўйича токарь, тортиш подстанциясининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича электромонтёр.

8-синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ётоқхона ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентя билан таъминланадилар. Улар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Билим юрти қошида кечки мактаб мавжуд.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар техникум ва институтларга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар. паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, характеристика, таржимаи ҳоли, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, билим юрти директори номига ёзилган ариза, медицина кўриги билим юртида ўтказилади.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри — 125, Куйбишев район, Красновосточная кўчаси, 3 «а»-уй (62, 73-автобусларнинг «Красновосточная» депоси», 17, 69, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 18-троллейбуснинг «Високовольтний» массиви» бекатлари). Телефон: 62-34-57.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИ
ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР ОШПАЗЛИК БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ўқув йили учун
Ошпаз ва кондитерлар тайёрлайдиган группаларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати: ошпазлар учун 3 йил; кондитерлар учун 2 йил.

Билим юртига 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Ўқишни тамомлаганлар мутахассислик дипломи билан тўлиқ ўрта маълумот ҳам оладилар.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

МАШҒУЛОТЛАР— 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ҳар бир ўқувчига 32 сўм стипендия берилади, бошқа шаҳардан келганлар ётоқ билан таъминланадилар.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, 3х4 см ҳажмидаги 3 та фотосурат, таржимаи ҳоли, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), туғилганлиги тўғрисидаги справка (286-форма), турар жойидан справка, мактабдан ёки иш жойидан характеристика, шаҳар савдо бўлимидан ёки ошхоналар трестидан йўлланма, ҳарбий хизматга чақирувчилар учёт гувоҳномаси ёки ҳарбий билетини шахсан кўрсатадилар, ота—ёки онасининг иш жойидан справка.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Оқтепа массиви, (13, 32, 34, 36-автобуслар, 4, 9, 11-трамвайларда бориш мумкин).

КИНО

26 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Эй бахтли инсон (18.30).

Муҳаббат — бу ҳаётдир — «ЧАЙКА» (19, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (17, 20.00), «НУКУС» (18.30, 21.00), «ВОСТОК» (18.40, 21.30).

Сўнгги отишма — «ДРУЖБА» (17, 18, 20, 20.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18, 20, 21.30), «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21.00).

Есения — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (17, 20.00).

Уйинчоқ — РЕСПУБЛИКА «БИЛИМЛАР УЙИ» (18.00).

Ғариб жинлар мамлакатида — «МОСКВА» (17.30, 19, 20.45).

Зорро — «ИСКРА» (17, 19.20).

ЁЗГИ БИНОДА

(Соат 20.50 ва 22.30 дан бошланади).

Катта пойга — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ғариб жинлар мамлакатида — «ХИВА».

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН КИЙИМЛАР

КАЛЕНДАРДА — ИЮЛЬ. ЎҚУВЧИЛАР УЧУН БУ ДАВР ЁЗГИ КАНИКУЛ МАВСУМИДИР, ТИКУВЧИЛАР УЧУН ЭСА МАКТАБ ФОРМАЛАРИ ТАЙЁРЛАШДА ЭНГ ДОЛЗАРБ ПАЛЛАДИР.

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН КИЙИМЛАР. У ҚУЛАЙ ҲАМ ЧИДАМЛИ, ЎҚУВЧИЛАРГА ИШЧАНЛИК ВА ХУШРЎЙЛИК БАХШ ЭТАДИ. ЭСТЕТИКА ТАЛАБЛАРИГА МОНАНД КЕЛАДИ.

Блузкали сарафан — бу қиз болалар учун формадир.

Кичик ёшдаги ўқувчи қизлар учун шерсть кўйлак— қишки формадир.

Катта ва балоғат ёшидаги ўқувчи қизлар учун блузкали шерсть костюм.

Шерсть костюм (пиджак, нимча, шим)—бу ўғил болаларнинг қишки формасидир.

Лафсанли штапелдан тикилган костюм кичик ёшдаги ўғил болалар учун — ёзги формадир.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Вақт тез ўтиб кетади ва болалар мактабга отланадилар.

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН КИЙИМЛАРНИ

СИЗ «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.



МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1 — «КИЙИМЛАР УЙИ»— Шота Руставели кўчаси, 13-уй.
7— Олмазор кўчаси, 169-уй.
8 — «ГАЗМОЛЛАР ВА КИЙИМЛАР УЙИ»— Муқимий кўчаси, Оқтепа майдони.
9, 10, 49 — Олой бозори.
12— М. Горький номидаги майдон, 54-уй.
18, 19, 22, 35 — Октябрь бозорлари.
36 — Новомосковская кўчаси, 17-уй.
38 — Фарҳод ярмаркаси.
47 — Новомосковская кўчаси, 18-уй.
40 — Халқлар дўстлиги проспекти, 34-уй.
53—1/2-Қорақамиш турар жой массиви.
74 — Госпиталь бозори.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 65-ўрта мактаб томонидан **Рафиқова Мунира** номига берилган 607423 номерли

ЙЎҚОЛГАН

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

27 ИЮЛЬ ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.35 «Командо» операцияси». «Пўлат» ҳалқада». Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар программаси (Куба). 11.55 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 15.00 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма. 16.00 «Рус тили». 16.30 «Мардлик сабоғи». Киевдан олиб кўрсатилади. 17.15 «Явир» квартети куйлайди. 17.30 Ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивали олдидан. Гаванадан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Болаларга аталган шеърлар». 19.00 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 19.20 «Ҳаммамиз — аҳил оиламиз». Музикали программа. 19.55 «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.). Пленуми қарорлари — ҳаётгаl». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Смоленск, областидаги «Красный доброволец» колхозининг раиси Ф. С. Васильев сўзи. 20.05 «Ўйин қондаси». Телевизион спектакль премьераси. Автор — А. Красильщиков. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.06 «Музика ва замонавийлик». Программада П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс жюриси аъзолари ва фахрий меҳмонлари иштирок этадилар. Кўрсатувни композитор Т. Н. Хренников олиб боради. 23.25 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Ақлли буюмлар». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 12.05 «Кругозор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 12.35 «Зулмат қўйнидаги юлдуз». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.30 «Биз танлаётган йўллар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 18.45 «Ҳалқ контроли экрани». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Телевизион театр». почтаси» 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Республикада ҳизмат кўрсатган артист Икромжон Бўронов ва «Баҳор» ансамблининг солисти Ғиюлой Солиҳова концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётгаl». «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Чўзилган иш». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Музлаган чақмоқлар». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Бизнинг бош мухбиримиздан...», (рус.). 21.05 Реклама. 21.15 Абитуриентлар учун. Математика.

Томорқаларга эга бўлган ва ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шартномада келишилган нархда «Ташгоркоопторг»га сотмоқчи бўлган гражданлар

ДИҚҚАТИГА!

«ТАШГОРКООПТОРГ»

ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини Олой ва Октябрь бозорларидаги қабул пунктларига ҳамда Жомий кўчаси, 5-уйда жойлашган «ГОРКООПТОРГ» базасига топширишни

ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ

Қабул пунктлари ва база соат 8.00 дан 19.00 га ишлайди.

Справкалар олиш учун телефонлар: 48-26-92, 48-16-26, 48-44-82.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг трамвай-троллейбус бошқармаси

2-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

Троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийдиганлар учун ўқиш муддати — 6 ой. Стипендия ҳар ойда 60 сўм.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиганлар учун ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқувчиларга 50 процент арзон нархда форма кийими, трамвай-троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқи, ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри Чилонзор массиви, Пионерская кўчаси, 4-уй (9, 11-трамвайлар, 6, 9, 11, 16-троллейбусларнинг «Пионерская кўчаси» бекати).

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов район халқ маорифи бўлими ва касаба союз ташкилоти ҳамда 81-мактаб коллективи шу мактаб ўқитувчиси Р. Жалиловга онаси

Зебинисо ИБРОҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти коллективи институтнинг катта илмий ходими Ш. Зуннунга укаси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи

ҲАСАН ЗУННУНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекгидрогеология» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи катта инженер

Мунира Пўлатовна ТУХТАЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг сила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

«Ё Ш Л И К» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН



6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.



БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЁШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 64 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАР АЙНИ БИР ВАҚТДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЁКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

МАКТАБ-МАГАЗИНИНИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР КАТТА МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИ ВА УЛАРГА СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЁКИ СИРТҚИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.



ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати) 33-75-48 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.



---

6 БЕТ. **ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**
26 ИЮЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р—02558. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Мелма Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1363.